

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 616.831.3/319-053.2

ЗАИРОВ НАЗИРЖОН МАМАТОВИЧ

**Олти ёшдаги болаларда олий пўстлоқ фаолиятининг ҳолати ва
мактабга тайёргарлик даражаси**

5А 510205 – болалар неврологияси

МАГИСТР

АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

т.ф.д., профессор Содикова Г.К.

Тошкент – 2015 йил

АННОТАЦИЯ

Мактабга етуклик ҳақида организмнинг турли орган ва системаларининг функционал ҳолати, антропометрик кўрсаткичлари, ақлий меҳнат қобилияти, нутқ, моторика ва диққатнинг ривожланиши ҳолати далолат беради. Шу сабабли мактабга қабул қилишда 6 ва 7 ёшли болаларни тўлиқ текширувдан ўтказиш катта аҳамиятга эга.

Ишнинг мақсади. Олти ёшли болаларнинг олий пўстлоқ фаолиятини нейрopsихологик тестлар ёрдамида ўрганиш орқали бошланғич синф ўқув дастурларини ўзлаштира олиш даражасини аниқлаш.

6 ва 7 ёшли болаларнинг мактабга етуклигини аниқлаш ва уларни кейинчалик ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида 100 нафар 6 ёшдаги асаб тизими хасталиклари бўлмаган амалий соғлом болалар текширувдан ўтказилди. Уларда олти ёшдаги боланинг мактабга тайёргарлик психологик даражаси варақаси ва Керн-Йирасек тести асосида олиб борилди.

Болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари, соматик касалликлари мавжудлиги баҳоланди. Ўқишнинг боланинг умумий саломатлигига, жисмоний ривожланишига таъсири, мактаб адаптациясининг бузилишлари даражаси кузатилган.

Текширувдан 6 ёшли болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари меъёрий сонлар - $\pm 1\sigma$ оралиғида бўлиб, 81% болаларда турли соматик касалликлар - анемия (48%), нафас йўллари (23%), ошқозон-ичак тракти (32%), сийдик чиқарув йўллари (12%), ҳаракат тизими (27%) касалликлари ва рефракция аномалияси (12%) кузатилган.

Нейрopsихологик текширувлар натижалари 5,5-6 ёшли болаларнинг мактабга етуклик даражаси 6-6,5 ёшли болаларга нисбатан паст кўрсаткичларда бўлиб, мос равишда мактабга тайёр деб 7,9% ва 43,54%и топилди.

АННОТАЦИЯ

Понятие школьной зрелости складывается из таких понятий, как функционирование органов и систем, антропометрические данные, умственной деятельности, степени развития речи, моторики и внимания у ребенка. По этой причине при приеме детей 6 и 7 лет в школу рекомендуется всестороннее обследование детей.

Цель исследования. Определить усвоение учебной программы путем изучения высших корковых функций с помощью нейропсихологических тестов.

С целью определения школьной зрелости 6 и 7 летних детей, с последующим анализом их успеваемости обследовано 100 6 летних детей, не имеющих заболеваний нервной системы. Степень школьной зрелости определялась при помощи теста психологической готовности к школе 6 летнего ребенка и теста Керна-Йирасека. Оценивали антропометрические данные, наличие соматических заболеваний. Оценивали влияние учебного процесса на общее соматическое состояние ребенка, степень школьной дезадаптации.

Антропометрические показатели 6 летних детей были в пределах нормальных величин $\pm 1\sigma$ отклонения, у 81% детей определялись различные соматические заболевания - анемия (48%), заболевания органов дыхания (23%), желудочно-кишечного тракта (32%), заболевания мочевыделительной системы (12%), опорно-двигательной аппарата (27%) аномалии рефракции (12%).

При помощи нейропсихологических исследований установлено, что степень школьной зрелости 5,5-6 летних детей в разы меньше чем у детей 6-6,5 лет и соответственно составила 7,9% и 43,54%.

В развитие школьной дезадаптации вносят свой вклад степень нейропсихологического развития детей и сопутствующие соматические заболевания детей.

ABSTRACT

The concept of a school maturity consists of such concepts as functioning of bodies and systems, anthropometrical data, cerebration, extent of development of the speech, a motility and attention at the child. For this reason at reception of children of 6 and 7 years in school comprehensive inspection of children is recommended.

Research objective. To define assimilation of the training program by studying of the highest cortical functions by neuropsychological tests.

For the purpose of definition of a school maturity of 6 and 7 summer children, with the subsequent analysis of their progress it is examined 100 6 summer children. not having diseases of nervous system. Degree of a school maturity was defined by means of the test of psychological readiness for school 6 of the summer child and the Kerna-Yiraseka test. Estimated anthropometrical data, existence of somatic diseases. Estimated influence of educational process on the general somatic condition of the child, extent of school disadaptation.

Anthropometrical indicators of 6 summer children were within normal amounts $\pm 1\sigma$ deviations, at 81% of children various somatic diseases - anemia (48%), diseases of respiratory organs (23%), a digestive tract (32%), a disease of an urinary system (12%), musculoskeletal the device (27%) of anomaly of a refraction (12%) were defined.

By means of neuropsychological researches it is established that degree of a school maturity of 5,5-6 summer children many times is less than at children of 6-6,5 years and respectively made 7,9% and 43,54%.

In development of school disadaptation extent of neuropsychological development of children and the accompanying somatic diseases of children make the contribution.

МУНДАРИЖА

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ	4
КИРИШ.....	5
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	10
1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари...	11
1.2. 6 ва 7 ёшли болалар бош мия пўстлоғининг анатомо-физиологик хусусиятлари ва уларнинг фарқи.....	13
1.3. 6 ва 7 ёшли болалар когнитив фаолиятининг анализи ва уларни таққослаш.....	17
1.4. Мактабгача ёшдаги болаларни турли хил нейропсихологик тестлар орқали текшириш аҳамияти ва таққослаш	20
I бобга хулоса.....	24
II БОБ. ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ	26
2.1. Текширилган болаларнинг умумий тавсифи	26
2.2. Текшириш усуллари	27
II бобга хулоса	34
III БОБ. ХУСУСИЙ ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ.....	35
3.1.Текширилган болаларнинг жисмоний ҳолати.....	35
3.2. Текширилган болаларнинг неврологик статуси таҳлили.....	40
3.3. Нейропсихологик текширувлар натижалари.....	42
3.4. Текширувдан ўтган болаларнинг ўзлаштириш даражаси ва	

Ўқишнинг жисмоний ҳолатига таъсири	51
III бобга хулоса	55
ХОТИМА.....	57
ХУЛОСАЛАР	66
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР	67
ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ.....	67
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	68

ҚИСҚАРТМАЛАР РҰЙХАТИ

ММД	-	Минимал мия дисфункцияси
ОИТ	_	Ошқозон ичак тракти
СДВГ	-	Диққат бузилиши ва гиперфаоллик синдроми
ССВ	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

КИРИШ

Долзарблиги. Охирги йилларда носоз ижтимоий ва экологик омилларнинг натижасида болалар соғлиғига эрта таълимнинг номақбул таъсири ҳақида маълумотлар юзага келмоқда. Россия ССВнинг маълумотларига қараганда бошланғич мактабда 11-12% болалар тўла соғлом бўлса, 20% болаларда чегаравий рухий ўзгаришларни аниқлаш мумкин. Биринчи синфнинг охирига келиб уларнинг сони 60-70% га етади. Шу сабабли болаларга таълим дастурини танлашда паспорт ёши эмас, балки боланинг функционал ривожланиши ва соғлиғи асосий мезон бўлмоғи даркор деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистон Республикасида бу маълумотлар ўрганилмаган.

Ҳозирги вақтда биринчи синфда ўқиётган болалар нафақат ўсиш ва ривожланиш темпи билангина эмас, балки паспорт ёши билан ҳам фарқландилар. Биринчи синфда 7 ва 6 ёшли болалар билан бир қаторда жуда камдан-кам ҳолатда бўлса ҳам 5 ёшли болалар ҳам учратиш мумкин. 6 ва 7 ёш - организмдаги бўладиган сезиларли ўзгаришлар ёши ҳисобланса ҳам, индивидуал ривожланиш даражаси шунчалик фарқ қиладики, паспорт ёши ҳамма ҳолларда ҳам биологик ёшга тўғри келмайди. Умумий таснифга биноан (Безруких М. М., Ефимова С. П., ва б. (1998)) олти ёшли бола деб 5 ёш 6 ойдан 6 ёшдан 6 ойгача бўлган болалар, етти ёшли деб 6 ёшу 6 ойликдан 7 ёш 6 ойликкача бўлган болалар ҳисобланади. Бу ёшда бола организмда катта ўзгаришлар юз бериб, салбий ташқи таъсиротлар болалар соғлиғига катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли боланинг психофизиологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун ўқув жараёнини тўғри ташкиллаштириш керак. Ўқувчилар соғлиғининг ёмонлашуви кўп ҳолларда боланинг анатомо-физиологик хусусиятларини, ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмаган ҳолда ўқув жараёнини интенсификациялаштириш, боланинг зўриқиши сабаб бўлади. Бу борада

таълим-тарбия жараёнини гигиенаси катта аҳамият касб этади. Текширув натижаларига биноан ўқув йилининг охирига келиб ҳар тўртинчи болада юрак-қон томир тизимида, ҳар иккинчи болада функционал психоневрологик ўзгаришларни аниқлаш мумкин. 6 ёшли болаларнинг 80% и тез чарчашга, 20%и бош оғришига шикоят қилган, баъзиларида эса бўй ўсишлари ҳам секинлашган.

Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактабларига қабул қилиш маҳалида 7 ёшли болалар уларнинг мактабга етуқлигини баҳоловчи психологик синовлардан ўтмайдилар, аммо 7 ёшга тўлмаган болалар бу синовдан ўтишлари шарт ҳисобланади. Боланинг мактабга етуқлиги деганда болани шундай морфофункционал ривожланиш даражаси тушуниладики, бунда боланинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда организмни комплекс тизимли равишда ўқув машғулотларига тайёрлиги тушунилади. Мактабга етуқлик ҳақида организмнинг турли орган ва системаларининг функционал ҳолати, антропометрик кўрсаткичлари, ақлий меҳнат қобилияти, нутқ, моторика ва диққатнинг ривожланиши ҳолати далолат беради. Шу сабабли мактабга қабул қилишда 6 ва 7 ёшли болаларни тўлиқ текширувдан ўтказиш катта аҳамиятга эга.

Демак, болаларнинг мактабга етуқлигини баҳолашда нафақат ўқиш ва ёзишни ўзлаштириб олганлик даражаси эмас, балки болани жисмоний, руҳий ривожланганлик даражаси, умумий саломатлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Бу борада бу кўрсаткичларни тўғри ва тўлиқ баҳоловчи тестларни танлаб олиш аҳамиятли. Безруких М. М. ва б., (1998) маълумотиغا кўра мактабгача бўлган даврда “мактаб учун керакли” кўникмаларга эга бўлмаган болаларда тизимли таълим натижасида бу кўникмаларни ривожлантириш мумкин бўлар экан. Болаларга муқобил шарт-шароитлар яратилганда ва боланинг кўнглига тўғри йўл топа олганда ижобий натижаларга эга бўлиш мумкин. Шу сабабли, болаларни мактабга етуқлигини аниқлашда биологик ёш ва руҳий етуқлик даражасини таққослаш, бу кўрсаткичларга таъсир қилувчи

омилларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш ўқиш жараёнида ўзлаштириш даражасини ортишига сабаб бўлади.

Тадқиқот мақсади. Олти ёшли болаларнинг олий пўстлоқ фаолиятини нейрopsихологик тестлар ёрдамида ўрганиш орқали бошланғич синф ўқув дастурларини ўзлаштира олиш даражасини аниқлаш.

Тадқиқот вазифалари.

1. Олти ёшли болалар ақлий ривожланганлик даражасини нейрopsихологик тестлар ёрдамида аниқлаш;
2. Олти ёшдаги интеллектуал салоҳияти юқори болаларни 1-синф ўқув дастурларини ўзлаштира олиш ёки олмаслигини аниқлаш.
3. Биз тавсия этган ва мактабга қабул қилинган болаларни умумий саломатлигига ўқишнинг таъсирини ўрганиш.

Илмий ишнинг янгилиги. Тадқиқот натижасида 6 ва 7 ёшли болаларнинг нейрopsихологик тестлар ёрдамида салоҳияти ўрганилди ва кейинчалик уларнинг дарсларни ўзлаштириш даражаси, мактаб дезадаптацияси кўрсаткичлари ёшга боғлиқ ҳолда аниқланди.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида болалар жисмоний ва руҳий саломатлигига салбий омилларнинг таъсирини йўқотиш мақсадида нейрopsихологик текширувларни фақат 6 ёшли эмас, балки 7 ёшли болаларга ҳам ўтказилиши кераклиги асосланган. Ўз вақтида дезадаптация белгиларини аниқлаш мақсадида дезадаптация тестларини ишлатилиши тавсия этилади.

Илмий ишга муаллифнинг шахсий ҳиссаси. Магистр талаба мустақил равишда болаларни клиник-неврологик текширувдан ўтказган, нейрopsихологик, дезадаптация тестлар натижаларини таҳлил қилган ва статистик таҳлил ўтказган. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришни амалга оширган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.

Диссертация 74 варақ компьютер матнда ёзилган. Кириш қисми,

адабиётлар шарҳи боби, материал ва услубларни ёритувчи боб, ҳамда хусусий текшириш натижалари боби, хулосалар ва амалий тавсиялардан иборат. Диссертация 4 та жадвал ва 16 та расм билан бойитилган. Адабиётлар рўйхати 63 манбадан иборат бўлиб, унинг 43 таси рус тилида ва 18 таси ҳорижий тилда.

I БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

Маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, менимча, тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламиз. Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Ана шундай ноёб фазилатлар соҳиби бўлмиш машҳур аллома Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари неча асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўқув юртларида асосий тиббиёт дарсликларидан бири сифатида ўқитиб келингани, дунё миқёсида «Тиббиёт», «Соғлом турмуш тарзи» деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилгани, албатта, чуқур ҳаётий ва илмий заминга эга. Аниқроқ қилиб айтганда, бу беназир алломанинг бутун илмий фаолияти дунё тараққиётини инсонпарварлик руҳида, яъни, маънавий негизда ривожлантиришга улкан таъсир ўтказди, деб айтишга барча асослар бор.

Биз кўп йиллар давомида маърифат ва маданиятга нотўғри муносабатда бўлдик. Унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа соҳалардан кам бўлди.

Натижада биз бу масалада орқада қолиб кетдик. Бундан буён барча режаларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан жой олиши лозим. Ва ниҳоят, шу соҳаларда

ишлаётган кадрлар масаласи. Ўқитувчилар ва шифокорлар, маданий-оқартув муассасаларидаги ва бошқа соҳалардаги кўплаб мутахассислар – чинакам зиёлилардир. Айниқса, олимлар ва ижодкор ходимларимизга эътиборни кучайтириш керак. Чунки маънавий бойликларни айнан шулар яратади. Уларга ғамхўрлик қилиш, самарали фаолияти учун барча зарур моддий-маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифасидир. Яна бир долзарб вазифа – ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Нега деганда, ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгаларидир. Шунинг учун ҳар бир ўғил-қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб маданий бойликларимиздан баҳраманд бўлиши керак [1].

Сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берувчи, шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш ва турли йўналишларга ихтисослаштирилган марказларни қамраб олган тиббий муассасалар тармоғи ташкил этилди. Вилоятларда катталар ва болалар учун кўп тармоқли шифохоналар, янги туғруқ мажмуалари барпо этилди, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, хусусан, қишлоқ врачлик пунктларининг базаси мустаҳкамланди.

Болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва 13 минтақавий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларидан иборат ягона тизим яратилди. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг минтақавий филиаллари, минтақавий перинатал марказларда оналар ва чақалоқларга юқори технологиялар асосида ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган “Она ва бола скрининги” Давлат дастури асосида юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий скрининг марказлари ташкил этилди. Бу кўплаб туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашни юқори даражага кўтариш имконини бермоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган Республика Репродуктив саломатлик маркази ва унинг 13 минтақавий филиали юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантиришга оид билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

Овқатланишни яхшилаш аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича миллий стратегиянинг таркибий қисмларидан биридир. Бу борада мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифатини та’минлаш учун зарур қонунчилик ва меъёрий база яратилди. “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни таркибида соғлиқ учун зарур микронутриентлар мавжуд махсус поливитаминлар билан та’минлаш орқали соғлом ва баркамол фарзандларни дунёга келтириш бўйича амалга оширилаётган профилактика чоратадбирлари жаҳонда кам учрайди. Давлатимиз томонидан поливитаминлар хариди учун маблағ ажратилиб, ҳар йили қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган ҳомиладор аёллар соғломлаштирилмоқда, оналар саломатлиги мустаҳкамланмоқда, болаларнинг туғма нуқсонлар билан туғилишининг олди олинмоқда. Унни зарур микроэлементлар билан бойитиш, тузни йодлаш дастурлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги, 2009 йил 1 июлдаги “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва ма’навий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-

тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, туғруқлар ўртасидаги муддатни узайтириш, эрта ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, тиббиёт соҳаси кадрлари малакасини ошириш, ҳомиладорлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатадиган муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, аҳолини репродуктив саломатлик масалалари тўғрисида кенг хабардор қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий жалб этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бехатар оналикни таъминлаш, самарали перинатал парвариш, гўдаклар реанимацияси, кўкрак сути билан эмизиш, болалар ўсиши ва ривожланишини мониторинг қилиш бўйича лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда [2].

1.2. 6 ва 7 ёшли болалар бош мия пўстлоғининг анатомио-физиологик хусусиятлари ва уларнинг фарқи

Перинатал даврнинг бошларига келиб ҳомила нерв тўқимасининг ҳамма элементлари шаклланган бўлади. Постнатал даврда бош мия пўстлоғи 6 қаватдан иборат. Бош миянинг турли бўлақларида ўзгаришлар турли хил муддатларда юз беради. Бош мия пўстлоғининг пастки IV-V қаватлари бош мия пўстлоғини сезги аъзолари билан боғлаб турувчи структуралари ҳисобланади. Янги пўстлоқ шаклланишини ўрганиш бўйича ўтказилган текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, бош мия ярим шарлари пўстлоғининг айрим қисmlарини кетма-кет шаклланиб боришини кўрсатиб берди. Маълумки, бош мия пўстлоғининг ташқи қисmlари фило- ва онтогенетик жиҳатдан энг янги ҳисобланади. Бош мия пўстлоғининг IV

кавати афферент анализаторлар (тери, кинестетик, кўриш ва ҳид билиш) анализаторлари ядролари соҳасида энг қалин бўлади [7, 32,54].

Замонавий морфофункционал тушунчаларга биноан ҳамма афферент тизимлар ва уларнинг ядролари (марказлари) бош мия пўстлоғининг бирламчи проекцион зоналарини ҳосил қилади. Бола пўстлоқ ости тизимлари ва бош мия пўстлоғининг бирламчи проекцион зоналарининг тўла етилиб туғилади. Туғилиш вақтига келиб иккиламчи проекцион-ассоциатив зоналар ва бош миянинг учламчи зоналари цитофиброархитектоник жиҳатдан яхши ривожланмаган бўлади [4,6,18].

Янги туғилган болаларнинг пўстлоғи нейронлари майда бўлиб, аксонлари ва дендритлари кам ривожланган бўлади, улар устунлар ҳосил қилиб жойлашган бўлади. Бола ҳаётининг биринчи йили давомида пирамида ва юлдузсимон ҳужайраларнинг катталашуви, аксонлар ва дендритлар шохланишининг кучайиши, вертикал бўйича ансамбль ичи боғларнинг кенгайиши кузатилади. Бош мия проекцион зоналари такомиллашади. Кейинчалик уяли нейрон ансамблининг, вертикал нерв толаларининг такомиллашуви, урчуқсимон ва юлдузсимон ҳужайралар ҳажмининг ортиши, уларнинг аксонал коллатералларининг вертикал тақисмланиши кузатилади. 5-6 ёшда горизонтал бўйича боғлар тизими кучаяди, бу Бец ҳужайраларининг ён ва базал дендритларининг узунасига ўсиши ва тармоқлашуви ҳисобига юзага келади. Ҳужайраларнинг ташқи полиморфизми ошиб боради, капилляр тўрлари зичлиги бош мия пўстлоғининг III ва V қаватларида ортади. 7 ёшли болаларда Бродманнинг 4 ва 6 майдонларининг морфологик таркиби катталарникига ўхшайди [3, 8,19,27].

Демак, 1-2 ёшларга бориб проекцион-ассоциатив зоналар етилиб, пирамида системаси ўз фаолиятини бошлайди. Ихтиёрий ҳаракатларнинг такомиллашуви нутқ билан бир қаторда бош мия интегратив тизимининг мураккаблашуви билан кечади [9,21,47,58].

Нейроморфологик тадқиқотлар натижаларига мувофиқ 5-7 ёш бош мия ривожланишидаги янги босқич ҳисобланади.

5 ёшдан бошлаб бош мия пўстлоғининг энига ўсиши тўхтай бошлайди [22,57,63]. Бир вақтнинг ўзида нейронлар зичлиги камаяди, нерв толаларининг сони эса кўпаяди. Соматосенсор ва, айниқса, пешона бўлаги пўстлоғида 5 ёшдан бошлаб нерв толаларининг ҳажми нейронларга нисбатан кўпая боради, бу бош мия пўстлоғи қаватлари орасидаги горизонтал боғлар ҳосил бўлиши ҳисобига юз беради [10,14,50]. Синаптик боғлар сонининг кўпайиши, базал дендритлар шохланишининг мураккаблашуви, дифференциацияловчи жараёнларнинг кучайиши билан боғлиқ бўлган локал нейрон тўрларининг структуравий тузилишида сезиларли ўзгаришлар юз беради. Бу морфологик ўзгаришлар интегратив пўстлоқ жараёнларининг мураккаблашувига сабаб бўлади. 5-6 ёшда бош мия томонидан глюкозанинг утилизацияси максимал даражада бўлиб, катталар бош мияси томонидан глюкозанинг утилизациясига қараганда 2 баробар кўпроқ бўлиб, бу ҳолат 9-10 ёшгача давом этади [16,17,25,63]. Глюкоза утилизациясининг кўпайиши дендрит майдонларининг кенгайиши ва капиллярлар зичлигининг ортиши билан бир вақтда юз беради.

“Юқори плато” даврида синаптик боғлар ҳосил бўлишининг стабилизацияси кузатилиб, у пўстлоқ фаолияти характери билан боғлиқ [11,15,33,41,52]. Шу билан бир вақтда бош мия пўстлоғининг турли қисмларидаги синаптогенез жараёнининг гетерохронлиги ҳақида маълумотлар бор. Масалан, постнатал ҳаётнинг 4-ойига келиб кўрув пўстлоғидаги синапслар сони максимумга етиб, кейинчалик аста-секин уларнинг сони камайиб, мактабгача ёшда катталарникига тенглашади. Медиал префронтал пўстлоқда синаптик боғлар сони 3-4 ёшга келиб максимумга етади ва ўсмирлик ёшигача ўзгармай қолади [5,12,26,31]. 4-6 ёшдан 8 ёшгача бўлган вақт оралиғида бош миянинг нейрон тўрлари орасидаги функционал ўзаро таъсир кучайиши ҳақида электрофизиологик маълумотлар далолат беради. 4 ёшдан 6 ёшгача бош мия пўстлоғининг

каудал ва пешона қисмлари, чап ва ўнг ярим шарларнинг симметрик зоналари ўртасида дистант ўзаро таъсир шаклланишида сезиларли прогрессив ўзгаришлар юзага келади [13,38,43,49,60].

Бу маълумотлар шуни тасдиқлайдики, 5-6 ёш бош мианинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғларининг фаол шаклланиши билан характерланади. Бу жараён эса ўз навбатида яна ҳам такомиллашган ритмоген нейроген ансамблларнинг юзга келишига ижобий асос яратади. 7 ёшларга келиб электроэнцефалограммада регуляр альфа ритм юзага келади. Бу ритм катта одам тинч ҳолатдаги электроэнцефалограммасида устунлик қилиб, когнитив функцияларни амалга ошишида катта роль ўйнайди [20,24,29,36,44].

Мактабгача бўлган даврда морфофункционал ўзгаришлар нафақат бош миё пўстлоғида, балки пўстлоқ ости тузилмаларида, бош миё пўстлоғи ва мианинг чуқур бўлимлари ўртасидаги боғлар орасида ҳам кузатилади. 5-6 ёшларда бош мианинг регулятор тизимларининг, хусусан, фронтно-таламик регулятор системанинг етилмаганлиги кузатилади [25,28,30,34,53]. Бу регулятор тизимлар аҳамиятли сигналларни таҳлил қилишда миёни сошлаб беради. 6-7 ёшларга келиб соғлом болаларда фронтно-таламик тизим етилади, бу эса ўз навбатида бош миё структураларининг фаолиятга танлаб киришувини таъминлайди. Бош миёда тизимли ўзаро таъсирнинг ривожланиши янги когнитив имкониятлар юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, 6-7 ёшларда кўрув тафаккури жараёнининг ўзгаришлари кузатилади: янги объектларни кўриш узокроқ муддат давом этади, таниш объектларни категориялар бўйича тасарруф етилади ва шу билан бирга таниб олиш самарадорлиги ошади [21,31,37].

5 ёшдан 7 ёшга ўтган сари мураккаб тасвирларни кўчириб олишда кўчириш стратегияси хаотик ва майда бўлақлардан бошлаб кетма-кет тартибдан ва умумийликка ўзгаради, шу сабабли структур топологик хатоликлар кескин камаяди [10,35,40,59].

1.3. 6 ва 7 ёшли болалар когнитив фаолиятининг анализи ва уларни таққослаш

Марказий асаб тизими бола организмидаги ҳамма ҳаётий жараёнларни бошқарувчи асосий механизм ҳисобланади. Орқа мия ва бош мия 5-6 ёшларда кескин ўсади.

6-7 ёшга келиб бош мия массаси катта одам мияси вазнига етиб олади. Ташқи кўринишидан ҳам боланинг мияси катталарникидан фарқ қилмайди. Аммо 6 ёшли болаларда бош мия пўстлоғи ривожланишининг тугалланмаганлиги, қўзғалиш жараёнларининг тормозланиш жараёнидан устун туриши, асаб тизимининг асосий жараёнларини нотурғунлиги болалар психологиясининг хусусиятларини акс эттиради [21,39,41,56].

6-7 ёшли болаларда беихтиёр диққат ўқув жараёнида керакли бўлган ихтиёрий диққат устидан устунлик қилади. Беихтиёрий диққат боланинг эмоционал фаоллигига таянади. Ихтиёрий диққатни ривожланишида машғулотларда, сюжетли-ролли ўйинларда, тасвирий санъат машғулотларида иштирок этиш, конструкциялаш, аппликациялар катта аҳамият касб этади. 6 ёшларга келиб асаб тизими жараёнларининг кучи ва тезлиги ошади. Ички тормозланиш жараёни турғунроқ бўлиб, бош мия пўстлоғи иш фаолияти кучаяди, шу сабабли олти ёшли болалар маълум объектларда ўз диққатларини 15-20 дақиқа давомида ушлаб туришлари мумкин. Ўтказувчи (ассоциатив, комиссурал, проекцион) йўллارнинг интенсив ривожланиши 14-15 ёшгача давом этади. 7-14 ёшларга келиб бош миянинг эгатлари ва пушталари тўла ривожланиб бўлади. Инсоннинг фикрлашини ривожланишида бош миянинг ҳамма зоналари иштирок этади, асосан, пешона бўлақларининг ҳиссаси жуда катта. Боланинг ривожланиши меъёрида бўлган ҳолда 5 ёшларга келиб бола керакли бўлган образлар, тушунчалар миқдорига эга бўлади ва хулосалар чиқариш қобилиятига эга бўлади. Бунда болада тасвирий-образли, ўнг ярим шар фикрлаши устунлик қилади. Фантазия фикрлаш турларидан бири бўлиб, уни ўз вақтида

ривожлантирмаса, умуман, фикрлашнинг камбағаллашувига олиб келади. Демак, ўнг ярим шар образларининг яхши ривожланмаслиги чап ярим шарлар жавоб берувчи дискрет-логик фикрлаш ривожланишининг орқада қолишига сабаб бўлади. Ўйин, эртаклар - мактабгача бўлган болаларнинг ақлий фаолиятини ривожлантирувчи асосий омиллар ҳисобланади. 7 ёшга келиб бош миянинг пешона бўлаклари етилиб, бу бир неча ҳаракатлардан иборат дастурни кетма-кет бажара олиш қобилиятига эга бўлади ва унинг кутилаётган натижаларини баҳолай олади. Аммо 7-8 ёшгача бўлган болаларнинг биоэлектрик фаоллиги шуни кўрсатдики, пўстлоқ ости структураларининг фаоллигини ортиши билан намоён бўлади. 7-8 ёшдан бошлаб эса бу фаоллик камайиб бориб, бу етилиб бораётган бош мия пўстлоғининг пўстлоқ ости структураларига таъсири билан боғлиқ [12,42,46,62].

Болаларни нейропсихологик текширувлари натижалари шуни кўрсатдики, 5-6 ёшдан 6-7 ёшга ўтган сари фаолиятнинг ихтиёрий бошқаруви имкониятлари такомиллашади. Айниқса, инструкциялар ва фаолият алгоритмларини ўзлаштириб олишда ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилади. Дастурнинг бир элементидан иккинчи элементига диққатнинг қаратилиши, дастурни ўзлаштириб олиш ва ўзини бошқариш каби функцияларнинг ривожланиши юқоридаги функцияларга нисбатан секинроқ кечади. Бундай функцияларнинг ривожланиши фронто-таламик структураларнинг морфофункционал 5-6 ёшдан 6-7 ёшга ўтиши билан такомиллашувига боғлиқ [13,48,61].

5-6 ёшдан 6-7 ёшга ўтганда сезиларли ўзгарадиган билиш фаолиятининг яна бир муҳим функцияси бу кўришни идрок этиш функцияси. 5-6 ёшли болалар 6-7 ёшли болаларга нисбатан кўриш ва кўрув-фазовий ахборотни анализ қилиш билан боғлиқ машқларни бажаришда қийинчиликларга дуч келишган. 6-7 ёшли болалар мураккаб шаклларни кўчиришда бутунлик принципини сақлаган ҳолда вазифаларни бажарганлар, етмаётган қисмлар машқини аниқ бажарганлар, бу эса кўришни идрок қилиш

жараёнининг 5-6 ёшдан 6-7 ёшга ўтган сари ортиб бориши ҳақида далолат беради. Нусха кўчиришда 6-7 ёшли болалар тасвирдаги хатоликларни енгиллик билан топганлар, шаклни кўчиришда пропорцияларга тўғри амал қилганлар ва тезроқ кўчирганлар [32,61].

Кўрув-фазовий материални хотирадан қайта чизганда 5-6 ёшли болалар кўроқ хатоликларга йўл қўйганлар, шу билан бирга 6-7 ёшли болалар шаклни айнан чизиб бермасалар ҳам, унга ўхшаш бўлган шакллари ёддан чизиб берганлар. М.М.Безруких ва Н.Н. Теребова (2008) маълумотларига қараганда кўришни идрок этиш функциясининг 5,6 ва 7 ёшли болаларда таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 5 ёшдан 6 ва 7 ёшга ўтиш билан самарадорлиги ортиб боради [3, 5, 14].

6-7 ёшга бориб нутқ фаолиятида прогрессив ўзгаришларни кўриш мумкин. Бу ўзгаришлар асосан нутқнинг лексик ва семантик аспектларини ўзгаришига боғлиқ - сўзларни ишлатишда аниқлик ва предметларни номлашдаги қийинчиликларни камайиши билан намоён бўлган [16,39].

А.В.Запорожец (2005) тадқиқотларига асосан 6-7 ёшга келиб кўришни идрок қилиш анча такомиллашади. Бу ёшда янги объектларни билиб олиш 5-6 ёшга нисбатан кўпроқ даражада предмет контурларини кузатишга қаратилган кўз олмаларининг ҳаракатига таянади [6]. Бу болага нафақат тасвирни таниб олишга, балки бундан ҳам мураккаб бўлган тасвирий машқларни тўғри бажаришга ёрдам беради. Бунда 6-7 ёшли бола таниш объектларни аниқлашда кўз олмаларининг ҳаракати тез ва чизиқли бўлиб, контурнинг айрим қисминигина кузтиш етарли бўлади.

Сўзларни ишлатишдаги аниқлик 5-6 ёшдан 6-7 ёшга борган сари ортиб боради. А.Р. Лурия (2010) таъкидлашича, предметга тегишли бўлган ва бир-бирига маъноси жиҳатдан яқин сўзларни аниқроқ ишлата бошлайди.

Шундай қилиб, 5-6 ёшдан 6-7 ёшга ўтганда билиш функциясининг ўзгаришлари кузатилиб, улар кўпроқ фаолиятнинг ихтиёрий бошқариш, вербал ва кўрув-фазовий ахборотни таҳлил қилиш жараёнларига тегишли. Шу билан бирга бу прогрессив ўзгаришлар билиш функциясининг ҳамма

соҳаларига ҳам тегишли эмас, бу эса ўз навбатида когнитив фаолиятнинг етилиши гетехронлиги ҳақида далолат беради. 6-7 ёшга бориб инструкциялар ва ҳаракатлар алгоритмларини ўзлаштириб олиш, идрок этишнинг бутунлиги ва нутқнинг лексико-семантик аспектларини такомиллашуви билан боғлиқ бўлади. Бу прогрессив ўзгаришлар ўртасида ижобий корреляциянинг мавжудлиги умумий нейрофизиологик ва ижтимоий омилларнинг мавжудлиги ҳақида далолат беради.

1.4. Мактабгача ёшдаги болаларни турли хил нейропсихологик тестлар орқали текшириш аҳамияти ва таққослаш

Боланинг мактабга тайёргарлиги масаласи ҳар доим долзарб ҳисобланган. Бу масаланинг долзарблиги кўп омилларга боғлиқ. Замонавий тадқиқотлар натижаларига биноан 30-40% болалар ўқишга тайёр бўлмасдан мактабга борадилар, яъни уларда тайёргарликнинг қуйидаги компонентлари тўлиқ шаклланмаган: ижтимоий, психологик, эмоционал-иродавий [3,9].

Узоқ муддатли тизимли машғулотлар ҳаракат фаоллигининг камайиши, сезиларли даражада статик зўриқишлар бола организмида ўзгаришларга сабаб бўлиб, “мактаб шоки”, “мактаб стресси”, “адаптацион касаллик” ҳақида фикр юритишга имконият туғдиради. Олти ёшдан тизимли равишда таълимга ўтилганда педагоглар боланинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий ривожланганлик даражасини баҳолай олишлари шарт. Шу сабабли олимлар олдида турган асосий вазифа булар: қайси ёшдан ўқитишни бошлашни аниқлаш; боланинг қайси ҳолатида ва қачон ўқитиш жараёни боланинг ривожланишига ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатмайди [4,21].

Болалар турли равишда мактабга ўрганадилар. Баъзи бирлари биринчи чоракнинг ўзидаёқ адаптацияланади, бошқаларига эса адаптация учун

узокроқ вақт керак бўлади. Боланинг мактабга тайёргарлиги унинг физиологик, ижтимоий ва руҳий ривожланишига боғлиқ бўлади.

Мактабга тайёрлик тушунчасини ҳар хил олимлар турлича таърифлайди:

А.Н. Леонтьев (1936): “Мактабга таёрликнинг асосий аспекти - болаларда ўз ҳулқини бошқара олиши”;

А. Анастаси (1957): "Билим, кўникма, мотивацияларга эга бўлиш”;

Л.И.Божович (1982): “Фикрлаш фаолияти, билишга қизиқиш ривожланганлигининг, ўз билиш фаолиятини бошқара олиш маълум даражаси ва ўқувчининг ижтимоий позицияси”;

И. Шванцара (1987): “Бола шу даражагача ривожланганки, у ўқиш жараёнида иштирок этиш қобилиятига эга бўлади”. У мактабга тайёрлик компонентлари қаторига ақлий, ижтимоий ва эмоционал компонентларни киритади. Бу ҳамма таърифларни умумлаштирганда мактабга тайёрлик - бола организмнинг шундай морфофункционал етилганлик даражасики (организмни жисмоний ва руҳий тизимларининг ривожланиши), бунда бола таълимнинг ҳамма талабларини бажара олади [10,19,43].

Бола мактабга тайёр эмаслигининг сабабларини 2 гуруҳга бўлиш мумкин: органик (боланинг жисмоний ва асаб-руҳий тизимидаги ўзгаришлар) ва тарбиявий (эрта мактабгача ёшдаги болаларни тайёрлашда ноэффектив педагогик ёндошув) [11].

Организмни ташқи муҳит билан ўзаро таъсирида иштирок этишда асосий ролни марказий асаб тизими бажаради. Бош миянинг функционал ҳолаини ўрганиш шуни кўрсатдики, олти ва етти ёшли болалар кўп миқдордаги ахборотни идрок этиш ва қайта ишлаш хусусиятига эга бўладилар. Болалар диққат ва эътиборларини айрим объектларга қаратишлари ва узок муддат ушлаб туришлари мумкин, аммо бош миянинг бу функцияси кичикроқ ёшдаги болаларникидан унчалик фарқланмайди. Уларда ихтиёрий диққат нотурғун бўлиб, қизиқроқ нарсаларга тез чалғийди. Шу сабабли бу ёшдаги болаларга янги материални тушунтиришда фақат сўзлар билангина эмас,

балки ёрқин ва қизиқарли кўрсатма материаллардан фойдаланиш керак. Олти ва етти ёшли болалар учун жуда юқоридаги даражадаги эмоционал реакциялар ва темперамент хос. Буларни ҳаммасини ўқитиш жараёнида ҳисобга олиш даркор.

Мактабга тайёрликнинг аспектиларини алоҳида кўриб чиқадиган бўлсак, интеллектуал тайёрлик бу - бу асосий фонддан алоҳида шаклни ажрата олишни ўз ичига олувчи дифференциаллашган идрок (перцептив етилганлик), диққатни жамлай олиш, аналитик фикрлаш, логик эслаб қолиш қобилияти, намунани қайтариб бера олиш қобилияти, қўллардаги майда ҳаракатлар ва сенсомотор координация ривожланганлиги тушунилади. Буларнинг ҳаммаси бош миянинг функционал етилганлик даражасини акс эттииради [18].

Руҳий етилганлик деганда импульсив реакцияларнинг камайиши, маълум бир вақт давомида ўзига ёқмайдиган бўлса ам топшириқларни бажара олиши қобилияти.

Ижтимоий етилганлик - бола ўз тенгқурлари билан мулоқотда бўлиш истаги, ўз ҳулқини болалар гуруҳлари қоидаларига бўйсундира олиши ва таълим жараёнида ўқувчи вазифаси ва ролини бажара олиш имкониятлари тушунилади. Буларнинг асосида мактабга тайёрлик даражасини аниқловчи тестлар ишлаб чиқилган.

Америкалик тадқиқотчилар, асосан, болаларнинг интеллектуал имкониятларини - фикрлаш, хотира, идрок ва бошқа руҳий функцияларни ўрганувчи тестлар батареясини ишлаб чиққанлар. Россиялик тадқиқотчилар муаммонинг психологик томонларига эътибор беришади ва текширувлар Л.С.Виготский, Л.И.Божович, Д.Б.Эльконин, Н.Г.Салмина, Е.Е.Кравцова ва бошқалар тадқиқотлар натижаларига асосланган [63].

Ўқишга тайёр бола социумда ўз ўрнига эга бўлиш учун, катталар дунёсига кириш учун керак бўлган билимларга эга бўлиш учун ўқишни хоҳлайди. Бу иккала талабларнинг йиғиндисини Л.И.Божович “ўқувчининг

ички позицияси” деб номлаган ва уни мактабга тайёрликнинг энг асосий кўрсаткичи деб ҳисоблайди.

Юқорида санаб ўтилган руҳий функциялардан энг аҳамиятлиси - бу нутқнинг ривожланиши. Нутқ интеллект билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг ҳам умумий ривожланганлиги ва мантикий фикрлашининг ривожланганлигини акс эттиради. Бола сўзларнинг ичида алоҳида товушларни топа олиши керак [25].

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, болани мактабга тайёрлигини психологик компонентларини аффектив-эҳтиёж, ихтиёрийлик, интеллектуал ва нутқ функциялари ташкил этади. Шу сабабли қўлланиладиган болани мактабга тайёрлигини ўрганувчи диагностика усуллари юқорида кўрсатилган ҳамма руҳий сфераларни ўз ичига олади. Аммо ҳамма текширув усуллари камчиликлардан ҳоли эмас. Улар боланинг мотивацион тайёрлиги ҳақида далолат бермайди, жуда қисқа вақт оралиғида боланинг имкониятларини тўлиқ ўрганиб бўлмайди ва бошқалар. Кўп ҳолларда руҳий функцияларнинг морфофункционал етилиши муддатлари ҳисобга олинмайди. Кўп психометрик тестлар миқдорий жиҳатдан баҳоланади, баллар ва коэффицентлар кўринишида ҳисобланади, бош мия функциялари ҳолати сифат жиҳатдан таҳлил қилинмайди. Ҳозирги кунда болаларни мактабга танлаб олишда энг кўп ишлатиладиган психометрик тестларга қуйидагилар киради: мактабга тайёрлик даражасини аниқлаш усули, мактабгача ёшдаги болаларнинг интеллектуал салоҳиятини аниқлаш усули, мактабгача ёшдаги болаларни нейро-психологик усулда танлаш, педагогик баҳолаш усули, Керна-Иерассик психодиагностик тести ва бошқалар. Кўплаб тадқиқотчилар психометрик текшириш усуллари натижаларининг кам ахборотлилиги ва 6-7 ёшли болаларнинг олий пўстлоқ фаолиятини сифат жиҳатдан баҳолаш мумкин эмаслиги ҳақида фикр юритмоқдалар. Айрим текшириш усуллари жуда қисқа вақтни талаб қилса, бошқалари анча катта муддатга чўзилади, биринчи ҳолда боланинг фикрлашини объектив баҳолаш мумкин бўлмаса, иккинчи ҳолатда боланинг

функционал имкониятлари, унинг диққат эътиборини узок муддатда ушлаб тураолмаслиги ҳисобга олинмайди. Шу сабабли юқори информатив, узок муддат талаб қилмайдиган, боланинг ҳамма руҳий жараёнларини қамраб олувчи психометрик тестларни ишлаб чиқиш аҳамиятли [44].

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, олиб борилган илмий ишлар ва текшириш усуллари 6-7 ёшли болаларнинг бош мия пўстлоғининг проекцион ва проекцион-ассоциатив зоналари фаолиятини баҳолашга қаратилган. Ваҳоланки, бу ҳолатда фақат инсон учун хос бўлмиш бош миянинг учламчи зоналарини функционал ҳолатини баҳолаш тўғрироқ бўлар эди. Бундан ташқари учламчи зоналар проекцион ва ассоциатив проекцион зоналарнинг замирида шаклланади. Энг эрта шаклланувчи учламчи функциялар булар праксис, стереогнозия ва экстраполяцион ҳулқ ташкил этади. Бу хусусиятларни назарда тутган ҳолда нейрпсихологик экспресс усул илмий тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган. Аммо айрим сабабларга кўра бу усул кенг қўлланилмайди.

I бобга хулоса

Шундай қилиб, 6 ва 7 ёшли болаларнинг мактабга етуклик даражаси адабиётлар таҳлиliga биноан унчалик фарқ қилмайди. Олий пўстлок фаолияти функцияларининг етилганлиги кўпчилик омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида жисмоний, педагогик омиллар муҳим аҳамиятга эга.

Болаларни мактабга танлаб олишда нафақат уларнинг паспорт ёшига, балки уларнинг соғлиғи даражаси ва жисмоний ривожланганлик даражасига катта эътибор бериш керак.

Ҳозирги вақтда ишлатилаётган нейрпсихологик текширув усуллари бола ривожланганлик аспектларининг ҳамма томонларини қамраб олмайди.

Шу сабабли 6 ёшдан мактабга чиққан болалар соғлиғига таълимнинг таъсири, уларнинг ўзлаштириш даражасини ва бу аспектларга таъсир

қилувчи омилларнинг хусусиятларини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

II БОБ. ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

2.1. Текширилган болаларнинг умумий тавсифи

Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш учун биз 100 нафар 5-6 ёшли мактабгача муассаса тарбияланувчиси текширувдан ўтказилди. Уларнинг ўртача ёши $6,15 \pm 0,25$ йилни ташкил этди.

Болаларни ёши бўйича тақсимлаш Безруких М. М., Ефимова С. П., ва б.ларнинг (1998) таснифига асосан олиб борилди, яъни 5 ёшу 6 ойдан 6 ёшу 6 ойгача бўлган болалар олинди.

Болалар режали равишда мутахассис врачлар (педиатр, невролог, психолог, хирург, офтальмолог) кўригидан ўтдилар. Уларга кўрикдан аввал қон, пешоб, нажаснинг умумий таҳлили ўтказилди.

Текширилган беморларнинг ичида ўғил болалар сони 46 (46%) ва қиз болалар сони 54 (54%)ни ташкил этди.

Жадвал 2.1.

Беморларни ёши ва жинсига қараб тақисмланиши.

Жинси	Асосий гуруҳ				Назорат гуруҳи	
	5 ёш 6 ой-6ёш		6 ёш -6ёш 6 ой		6ёш 6 ой-7 ёш	
Ўғил	20	20%	26	26%	8	40%
Қиз	18	18%	36	36%	12	60%
Ҳаммаси	38	38%	62	62%	20	100%

Назорат гуруҳини 20 та 7 ёшли (таснифга биноан бёшу 6 ойдан 7ёшу 6 ойгача бўлган) болалар ташкил этди. Уларнинг 8 (40%) нафари ўғил болалар ва 12 (60%) нафарини қиз болалар ташкил этган.

2.2. Текшириш усуллари

Болаларнинг ҳаммаси нейрopsиxологик текширувлар билан бир қаторда жисмоний соғлиғини баҳолаш учун тор мутахассислар кўригидан ўтдилар. Уларнинг антропометрик кўрсаткичлари баҳоланди. Антропометрик текширувлар натижалари центиль жадваллари бўйича баҳоланди. Лаборатор текширувлар қон ва пешобнинг умумий таҳлили, нажас таҳлилини ўз ичига олди.

Болаларнинг бўйи ва вазни ўлчаниб, Кеттле индекси ҳисобланди. Кеттле индекси меъерий деб центиль жадвали бўйича 50 ва $\pm 1 \sigma$ оғишдаги кўрсаткичлар ҳисобланди. Кеттле индекси меъери В.В.Юрьев (2003) центиль жадвали бўйича ҳисобланди.

Жадвал 2.2.

Ўғил болалар учун Кеттле индексининг центиль жадвали

Ёши	Центиллар						
	3	10	25	50	75	90	97
5 ёш	13,08	13,85	14,57	15,34	16,03	16,92	17,93
6 ёш	12,92	13,73	14,51	15,28	16,08	17,05	18,22
7 ёш	12,98	13,72	14,58	15,36	16,29	17,43	18,85
8 ёш	13,19	13,78	14,81	15,76	16,71	17,93	19,63
9 ёш	13,44	14,07	15,14	16,18	17,31	18,67	20,63
10 ёш	13,69	14,35	15,48	16,68	17,93	19,32	21,62

Булардан ташқари текширилган болаларнинг оилавий аҳволи ўрганилди.

Қиз болалар учун Кеттле индексининг центиль жадвали

Ёши	Центиллар						
	3	10	25	50	75	90	97
5 ёш	12,58	13,38	14,09	15,12	15,71	16,91	18,19
6 ёш	12,56	13,27	14,03	15,08	15,72	16,87	18,38
7 ёш	12,64	13,27	14,14	15,20	15,78	17,05	18,75
8 ёш	12,82	13,48	14,35	15,36	16,18	17,54	19,33
9 ёш	13,08	13,77	14,67	15,62	16,75	18,14	20,23
10 ёш	13,35	14,04	15,01	15,98	17,37	18,88	21,13

Клинико-неврологик текширув

Клинико-неврологик текширув ўз ичига бош мия жуфт нервлари, ҳаракат ва сезги доираси, координатор доира, рефлектор доираларни функцияларини текшириш, олий пўстлоқ фаолияти ва вегетатив нерв системасини текшириш схема асосида ўтказилиб, асаб тизимининг функционал ҳолатини тўлиқ текширишни ўз ичига олди.

Нейропсихологик текширувлар

Нейропсихологик ўз ичига олти ёшли болани мактабга психологик тайёрлигини ўрганиш варағи ва И.Керн модификациясидаги Я.Йирасек тестига биноан амалга оширилди.

Олти ёшли болани мактабга психологик тайёрлигини ўрганиш варағи ЎЗР таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган бўлиб, унинг бир неча хил вариантлари мавжуд.

Нейропсихологик текширув ўз ичига боланинг анкета маълумотлари (исми-шарифи, туғилган йили ва куни, бўйи ва вазни, жисмоний соғлиғи ҳолати)ни олади. Текширув 7 вазифадан иборат:

1. “Уйча расмин чиз”;
2. “Расмларни бирлаштир”;
3. “Қисмлардан бутун яса”;
4. “Мантиқий жуфтини топ”;

5. “Тўртинчиси ортиқча”;
6. “Сухбат”;
7. “Саволларга жавоб”.

Ҳар бир топшириқни бажаришдан аввал болага инструкциялар берилади. Уларнинг бажарилишига қараб, ҳар қайси топшириқ учун баллар берилади.

Текширувнинг якунида бола йиғган балларига қараб психо-педагогик хулоса қилинади ва тавсиялар берилади. Ҳар бир топшириқ олий пўстлоқ фаолиятнинг айрим томнларини ўрганишга ёрдам беради.

Керн-Йирасекнинг мактабга тайёрлик ориентацион тести. У 3 та топшириқдан иборат: ёзма ҳарфларни кўчириб олиш, нукталар гуруҳини кўчириб олиш, эркак расмини ёддан чизиш. Натижалар 5 балли система бўйича баҳоланади ва уларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Бу усул ёрдамида қўлларнинг майда ҳаракатлари, ёзувни ўрганишга мойиллиги, қўллар координациясининг ва фазовий ориентациянинг ривожланиш даражаси ўрганилади. Умумий руҳий ривожланганлик, фикрлашнинг ривожланганлиги, намуна бўйича топишириқларни бажара олиши, ихтиёрий руҳий фаолиятини ўрганиш мумкин.

1. Эркак расмини чизиш. Бунда бола инсоннинг расмини чизишда пропорцияларга риоя қилиш, майда деталлар - бурни, қулоғи, кийимларининг элементларини чизиш эътиборга олинади. Расмни чизиш жараёнида болага хатоларини кўрсатиш мумкин эмас. Расмни баҳолаш қуйидагича олиб борилади:

1 балл: эркак расми чизилган (эркаклар кийими элементи), бош, тана, қўл ва оёқлар бор, бош тана билан бўйин орқали туташган, бўйин тўғри пропорцияда, бош танадан кичикроқ, бошда сочлар ёки бош кийими, қулоқлар, юзда кўзлар, бурун, оғиз бўлиши, қўлларда 5 бармоқ, оёқларида товон чизилган ёки пойафзал, қўл ва оёқлар тана бириктирилгандек эма, балки бир бутун сифатида чизилган.

2 балл: ҳамма талабларга риоя қилинган, фақатгина расм синтетик усулда чизилмаган ёки синтетик усулда чизилган бўлса ҳам 3 та детал чизилмаган: бўйин, сочлар, бармоқлар. Юз тўлиқ чизилган.

3 балл: фигуранинг боши, танаси, қўл ва оёқлари (2та линия билан чизилган) бор, бўйин, қулоқлари, сочлари, кийими, қўлларида бармоқлари, оёқларида товонлари бор.

4 балл: бош ва танадан иборат примитив расм бўлиб, қўл ва оёқлари бир чизиқ қилиб чизилган.

5 балл: тананинг аниқ шакли чизилмаган, қўл ва оёқлари чизилмаган.

2. Намуна кўчириш. Бу тест ёзма ҳарфлардан нусха кўчириш қобилияти, ҳарфларни кўчирганда пропорцияларга риоя қила олиши, алоҳида сўзларни ажрата олишига қаратилган. Болага ёзма ҳарфлар билан ёзилган гап берилади ва ундан нусха кўчириш сўралади. Баҳолаш:

1 балл: нусха яхши ва тўлиқ кўчирилган, ҳарфлар нусхадагидан каттароқ бўлиши мумкин, фақат 2 ва ундан ортиқ баробар эмас. Биринчи ҳарф бош ҳарф, гап 3 сўздан иборат, уларнинг жойлашуви горизонтал бўйича.

2 балл: нусха ўқиб бўладиган даражада кўчирилган, ҳарфлар ўлчами ва горизонтал жойлашуви бузилган.


3 балл: ёзув 3 бўлакдан иборат, камида 4 та ҳарфни тушуниш мумкин.

4 балл: нусхадаги камида 2 та ҳарфни ўқиш мумкин, бир қатор қилиб ёзилган.

5 балл: сўзларни тушуниб бўлмайди.

Бу тест бола қанчалик ёзувга ўрганишга тайёрлиги ҳақида хулоса ҳосил қилишга ёрдам беради.

3. Нусхадаги нуқталарни кўчириб олиш. Нусхадаги 9 нуқта кўчириб олинади, уларнинг жойлашуви орасидаги масофага эътибор бериш керак.



Баҳолаш:

1 балл: нусха аниқ кўчирилади, қатордан бирмунча оғиш мумкин ёки расм кичикроқ чизилиши мумкин.

2 балл: нуқталарнинг жойлашуви нусхага тўғри келади, нуқталарни айланага алмаштирган.

3 балл: чизилган расм нусхага ўхшайди, аммо ўлчамлари анча катталашган, нуқталар сони кўп бўлса ҳам, улар 20 дан кўп эмас ва 7 дан кам бўлмаслиги керак.

4 балл: расм нуқталардан иборат, аммо намунага тўғри келмайди.

5 балл: тушуниб бўлмайдиган нарсалар чизилган.

Ҳамма топшириқлар натижалари қўшилиб, хулоса ҳосил қилинади:

3-6 балл – мактабга тайёрликнинг юқори даражаси;

7-12 балл – ўрта даражада тайёрлик;

13-15 балл – паст даражадаги тайёрлик, болани қўшимча равишда текширувдан ўтказиш керак.

Болани адаптациясини кузатиш картаси (ота-оналар томонидан тўлдирилади).

Саволнома 11 пунктдан иборат адаптациянинг бузилишини акс эттирувчи белгилардан иборат бўлиб, ота-оналар бу саволларга қуйидагича жавоб берадилар:

- ҳеч қачон;
- камдан-камҳолатда;
- тез-тез;
- ҳар доим.

№	Кўрсаткичлар	Балларда баҳоси
1	Бола мактабга бормаслик мақсадида турли баҳоналар кидиради (қорин ёки бош оғриши, ўзини ёмон ҳис қилиши)	
2	Мактабга узок вақи йиғинади, керакли ўқув курулларини доимо эсдан чиқариб қолдиради, дарс жадвалини эсдан чиқаради, доимо ота-оналар назорати керак бўлади.	

3	Мактабдан кейин бўшашган, уйқучан, ёки аксинча, кўзгалувчан, тажанг ва агрессив.	
4	Тушкун кайфиятда, йиғлоқи, эмоционал лабил.	
5	Тез чарчашга, тез-тез бош оғришига, бош айланишига. Қоринда оғриқларга, кўнгил айнишига шикоят қилади.	
6	Кечаси ухлаб кетиши қийин.	
7	Уйқуси нотинч, кўрқинчли тушлар кўради, тез-тез уйғониб ота-онасини чақиради.	
8	Қоронғуликдан кўрқиш, қовоқлар учиши, дудуқланиш, зарарли одатлар шаклланади: тирноқларини чайнайди, бармоғини сўради, бурнини “тортади”.	
9	Уйда доимо бетартиб, ўз фаолиятини ташкиллаштира олмайди, “шаталоқ отиб” юради, эркалик қилади.	
10	Мактабдаги баҳоларга бефарқ ёки аксинча кўнглига яқин олади, ўқитувчининг унга нисбаиан адолатсизлигига шикоят қилади.	
11	Уй вазифаларини бажармайди, доимо шартлар кўяди, уйга вазифалар ва эртанги бўладиган дарслар эсдан чиқиб қолади, доимо ота-она назорати керак.	

0-15 баллагача адаптация бузилишлари йўқ;

15-20 балл енгил дезадаптация, тўғри кун тартибини шакллантириш, қўшимча юкламаларни чегаралаш;

20 баллдан кўп яққол дезадаптация, руҳий ўзгаришлар.

Дезадаптация даражасини ўрганиш тести (ўқитувчилар учун): 7 пунктли адаптация бузилишлари симптомларини акс эттирувчи саволномадан иборат бўлиб, ўқитувчи ўқувчини мунтазам кузатиш натижасида бола ҳулиқига қуйидагича баҳо беради:

№	Боланинг ҳулиқи	Баллар
1	Безовта, тинч турмайди, тартибни бузади, бошқа болаларга танбех беради, ўқитувчини гапини бўлади, кўпинча қайта-қайта сўрайди.	
2	Тез чарчаб қолади, бўшашиб ҳолсизланади, паришонхотир, партага “ётиб” олади, ўқитувчининг талабларига бўйсунмайди.	
3	Паст баҳоларга йиғлайди, жанжал қилади, ўқитувчи билан	

	тортишади, ишлашдан бош тортади.	
4	Назорат ишларида хавотирчан, ўз кучига ишонч йўқ, топшириқларни тушунмайди, кўп саволлар беради, яхши биладиган машқларида кўп хатолар қилади.	
5	Диққатини жамлай олмайди, топшириқларни тушунмайди ва бажара олмайди, ахборотни тез унутади, ўқитувчини назорати талаб этилади.	
6	Танаффус маҳалида агрессив, урушқоқ, бошқариб бўлмайди, катталарнинг танбеҳига эътибор бермайди.	
7	Мактабга тайёр бўлмай келади, дарс жадвалини ва ўқув қуролларини доимо эсдан чиқаради.	

— ҳеч қачон;

— камдан-камҳолатда;

— тез-тез;

— ҳар доим.

0-7 баллагача адаптация бузилишлари йўқ;

7-14 балл енгил дезадаптация, тўғри кун тартибини шакллантириш, кўшимча юкламаларни чегаралаш;

14 баллдан кўп яққол дезадаптация, рухий ўзгаришлар.

Статистик таҳлил

Текширув натижаларининг статистик таҳлили персонал Pentium-4 компьютерида Windows 2007 учун яратилган Microsoft Excel дастур пакети ёрдамида амалга оширилган. Ўрта арифметик кўрсаткич (M), ўртача квадратик оғиш (σ), стандарт хатолик (m), Стьюдент критерийси $t \geq 2$ учун аниқланди. Ўрта кўрсаткичлар фарқи $P < 0,05$ бўлганда ҳақиқий ҳисобланди.

II бобга хулоса

Текшириш материалларини 100 нафар 5 ёшу 6 ойликдан 6 ёшу 6 ойгача бўлган болалар ташкил этди. Текширилган болаларнинг ичида ўғил болалар

сони 46 (46%) ва қиз болалар сони 54 (54%)ни ташкил этди. Уларнинг ўртача ёши $6,55 \pm 0,25$ йилни ташкил қилган.

Назорат гуруҳи сифатида 20 нафар 7 ёшли болалар олинди. Уларнинг 8 (40%) нафари ўғил болалар ва 12 (60%) нафарини қиз болалар ташкил этган.

Текшириш режасига тор мутахассислар кўриги, антропометрик текширувлар натижаси, нейропсихологик текширувлар натижалари баҳоланди ва бу текширувлар натижаларига асосан 6 ёшли болаларнинг 68 нафарини мактабга тайёр деб топилди. Бир йилдан сўнг танловдан ўтган болаларнинг билимларни ўзлаштириш даражаси, уларнинг умумий соғлиғи ҳолати назорат гуруҳи билан солиштира таҳлил қилинди.

III БОБ. ХУСУСИЙ ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ


3.1. Текширилган болаларнинг жисмоний ҳолати

Тадқиқот иши 100 нафар 6 ёшли мактабгача муассаса тарбияланувчиси текширувдан ўтказишга асосланган. Уларнинг ўртача ёши $6,15 \pm 0,25$ йилни ташкил этди.

Болаларни ёши бўйича тақсимлаш Безруких М. М., Ефимова С. П., ва бошқаларнинг (1998) таснифига асосан олиб борилди, яъни 5 ёшу 6 ойдан 6 ёшу 6 ойгача бўлган болалар олинди.

Болалар режали равишда мутахассис врачлар (педиатр, невролог, психолог, хирург, офтальмолог) кўригидан ўтдилар. Уларга кўриқдан аввал қон, пешоб, нажаснинг умумий таҳлили ўтказилди.

Текширилган беморларнинг ичида ўғил болалар сони 46 (46%) ва қиз болалар сони 54 (54%)ни ташкил этди (3.1.Расм).



Расм 3.1. Болаларни гуруҳларда ёши ва жинсига қараб тақсимланиши.

Болаларнинг ўқиш қобилиятига уларнинг жисмоний ҳолати ўз таъсирини кўрсатади албатта. Ўқувчи соғлиғи ҳолати уни мактабга қатнаши, эмоционал ҳолати, ақлий ва жисмоний қобилиятига таъсир қилади. Болада қандайдир бир сурункали касаллик бўлса-да, бола яхши ўқиган тақдирда ҳам унинг соғлиғи чегаравий ҳолатда бўлиб, касаллиги эса оғирлашиши мумкин. В.А.Сухомлинскийнинг маълумотларига кўра 85% ҳолларда ўқув материални ўзлаштира олмаслик боланинг соматик касалликлари билан боғлиқ бўлади. С.М.Громбах болалар соғлиғини баҳолашда энг камида 4 мезонга таяниб амалга ошириш кераклигини тайинлайди:

- а) текширув вақтида сурункали касалликларнинг бўлмаслиги;
- б) жисмоний ва асаб-рухий ривожланиш даражаси;
- в) организм асосий тизимлари фаолияти даражаси;
- г) салбий омилларга нисбатан организмнинг курашувчанлиги.

Юқоридаги мезонларга асосланган ҳолда болалар 5 та саломатлик гуруҳларига бўлинадилар.

Антропометрик кўрсаткичларни текшириш натижаси қуйидагиларни кўрсатди.

Жадвал 3.1.


Асосий гуруҳ болаларининг бўйи, вазни ва Кеттле Индекси

		Асосий гуруҳ	
		5 ёш 6 ой-6ёш	6 ёш -6ёш 6 ой
Ўғил	бўйи	108,2±6,57	115,08±5,5
	вазни	18,6±1,35	20,9±2,08
	Кеттле индекси	16,05±2,2	15,92±2,37
Қиз	бўйи	110,3±4,93	114±5,63
	вазни	19,22±2,21	20±1,49
	Кеттле индекси	15,88±2,35	15,49±1,94

Бизнинг тадқиқотларимиз бўйича 5,5 ёшдан 6 ёшгача болаларнинг бўйи ўрта ҳисобда ўғил болаларда 108,2±6,57 смни, 6 ёшдан 6,5 ёшгача бўлган болаларда эса 115,08±5,5 смни ташкил қилган бўлса, 5,5 ёшдан 6


ёшгача бўлган қиз болаларда $110,3 \pm 4,93$ смни, 6 ёшдан 6,5 ёшгача қизларда $114 \pm 5,63$ смни ташкил этди (жадвал 3.1.). Кеттле индекси 5,5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда $16,05 \pm 2,2$, 6 ёшдан 6,5 ёшгача ўғил болаларда $15,92 \pm 2,37$ ни ташкил этди. Қиз болаларда эса бу кўрсаткичлар мос равишда $15,88 \pm 2,35$ ва $15,49 \pm 1,94$ ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам ўрта кўрсаткичлар билан $+1\sigma$ оғиши оралиғида бўлган.

Шунга қарамасдан 5,5-6 ёшгача ўғил болаларнинг Кеттле индекси 5 нафарида -1σ оғиш даражасидан кичик, 10 нафарида эса $+1\sigma$ оғиш даражасидан катта бўлган, 6-6,5 ёшли болаларда бу кўрсаткичлар мос равишда 6 ва 10 болани ташкил қилган. Қиз болаларда бу кўрсаткичлар 5,5-6 ёш ёшли 4 нафар қизларда -1σ оғиш даражасидан кичик, 8 нафарида эса $+1\sigma$ оғиш даражасидан катта бўлган, 6-6,5 ёшли қизларда эса 8 нафарида -1σ оғиш даражасидан кичик, 11 нафарида эса $+1\sigma$ оғиш даражасидан катта бўлган (расм 3.2).



Расм 3.2. Асосий гуруҳ болаларида Кеттле индекси кўрсаткичлари оғиш даражаси.


Болаларнинг оилавий аҳволи, келиб чиқиши таҳлил қилинганда уларнинг 18%и зиёлилар оиласи, 29%и хизматчилар, 29% ишчилар оиласи ва 24%и тадбиркорлар оиласида тарбияланади (расм 3.3.).



Расм 3.3. Болаларнинг насл-насаби таҳлили.


Болалар турли топ мутахассислар кўригидан ўтказилганда қуйидаги соматик касалликлар топилди: анемия I даражаси 48% болаларда, нафас йўлларининг сурункали касалликлари (аденоидлар вегетацияси I-II даражаси, сурункали синуситлар, аллергия ринит, сурункали бронхит, бронхиал астма касаллиги) 23% болаларда, ошқозон-ичак йўллари сурункали касалликлари (сурункали гипоацид гастрит, сурункали энтероколит, сурункали холецистит) 32% болаларда, сийдик чиқарув йўллари касалликлари (сурункали пиелонефрит) 12% болаларда кузатилган. Ҳаракат-таянч системаси томонидан кузатиладиган ўзгаришлар (яссиоёқлик, қоматнинг бузилишлари) 27% болаларда аниқланган. Кўрув тизими

томонидан рефракция аномалияси миопия кўринишида 12% ҳолда кузатилган. Бу болаларнинг баъзиларида бир эмас бир неча касалликлар биргаликда учраган (расм 3.4.).



Расм 3.4. Асосий гуруҳ болаларида соматик касалликлар сони.

1 соматик касаллик 48% болада, 2 соматик касаллик 29% болада, 3 та касаллик 17%, 4 та касаллик 6% болаларда кузатилган (расм 3.5.). Бу болаларнинг 19% ида касалликлар аниқланмаган.



Расм 3.5. Асосий гуруҳдаги болаларда соматик касалликлар сони.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бир неча сурункали касаллик бирга учраганда боланинг жисмоний ривожланиши - антропометрик кўрсаткичлари медианадан сезиларли кам бўлган.

Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги болаларнинг ичида қизлар сони бир мунча кўпроқ - 54%. Болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари ўрта ҳисобда 40% ҳолларда ўрта кўрсаткичлар чегарасида бўлса ҳам, 23% ҳолларда -1σ оғишдан кичик ва 37% ҳолларда $+1\sigma$ оғишдан катта бўлган. Уларнинг антропометрик ривожланишига мавжуд сурункали касалликлари ўз таъсирини кўрсатган. Боғча болаларининг 12%и гина тўла соғлом деб топилди. Қолганларида эса ремиссия давридаги сурункали соматик касалликлар, рефракция аномалияси ва/ёки қомат ўзгаришлари топилган.

3.2. Текширилган болаларининг неврологик статуси ҳолати

Текширилган болаларнинг 72% ида асаб тизимининг патологияси аниқланган, 38% болалар эса неврологик жиҳатдан соғлом деб топилган.


72% болаларнинг 54 нафари даврий равишда бош оғришига шикоят қилганлар, 13 нафар болаларда эса тиксимон ихтиёрсиз ҳаракатлар аниқланган, 21 нафар болалар эса даврий равишда ҳолсизлик ва бўшашишга, бош айланишига ва кўнгил айланишига шикоят қилганлар.

Уларнинг неврологик статуси тўлиқ текширилганда майда тарқоқ ўчоқли неврологик белгилар топилган.

Уларда куйидаги неврологик симптомларни аниқлашга муваффақ бўлинди: бош мия жуфт нервлари томонидан ўзгаришлар – юз нервининг марказий фалажлиги белгиси 68% ҳолда ва тил ости нервларининг марказий фалажлиги белгилари 43% ҳолда, болғачани кузатганда горизонтал майда тўлқинли нистагм 17% ҳолда, енгил яқинлаштирувчи ғилайлик 7% ҳолда кузатилди. Ҳаракат доираси томонидан ўзгаришлар - мушак тонусининг гипотонияси 56% ҳолда, пай рефлексларининг жонланиши 19% ҳолда, пай рефлексларининг сусайиши 13% ҳолда топилган. Юқориги Барре синамаси 2

нафар болада бир тарафлама мусбат бўлган, уларда пай рефлексларининг энгил анизорефлексияси кузатилган. Тик кўринишидаги ихтиёрсиз ҳаракатлар 13 болада топилди. Патологик рефлекслар аниқланмади. Координатор доирада қуйидаги ўзгаришлар топилди: 34 нафар болада Ромберг синамасида чайқалиш кузатилган, бармоқ-бурун синамасини 13 нафар бола энгил интенция билан бажарган, дизметрияга ва адиадохокинезга синамалар манфий бўлган. Сизги доираси томонидан ўзгаришлар аниқланмаган. Вегетатив нерв тизими тарафидан 18 нафар боланинг қўл ва оёқ кафтларининг кўп терлаши, совқотганда тери рангининг мармарсимон бўлиши, липотимия ҳолатларига тез-тез тушиб туришлари, бош айланиши, кўнгил айнаши кузатилган. Болаларда уйқунинг бузилишлари: кечаси юриб чиқиш, ухлаганда сўзлашиш, миоклоник чўчишлар кузатилган.

Олий пўстлоқ фаолиятини ўрганиш натижасида болаларни фикрлашини ёшига мос деб топилди. Улар оддий саволларга тўғри жавоб берганлар. Бола билан суҳбат ўтказилганда улардан 34 нафарида диққатни узоқ вақт жамлай олмаслиги, импульсив ҳаракатлар мавжудлиги аниқланган. Чанок аъзолари функцияси томонидан ўзгаришлар 11 нафар болада тунги энурез кўринишида намоён бўлган.



Расм 3.6. Болаларда аниқланган неврологик ташҳислар.

Уларда аниқланган неврологик белгилар ва қўшимча текширув натижалари, ҳамда анамнестик маълумотларга асосланган ҳолда 23 нафар болаларга минимал мия дисфункцияси, 25 нафар болага диққатнинг дефицити ва гиперфаоллик синдроми ташҳиси, 13 болага марказий нерв системасининг интоксикацияси ташҳиси, 9 болага вегетатив дистония синдроми, енгил яширин гемипарез бўлган 2 нафар боланинг анамнезидан постнатал бош мия травмасини ўтказгани аниқланган, шу сабабли уларга посттравматик энцефалопатия ташҳиси қўйилди (расм 3.6.).

Асаб тизимидаги ўзгаришларнинг негизини аниқлаш мақсадида уларнинг тиббий картасига асосланган ҳолда анамнези ўрганилди.

Бу болаларнинг 29% и перинатал гипоксик-ишемик энцефалопатия ўтказганлар, бу борада болалар неврологи диспансер ҳисобида турганлар. Юқорида айтилгандек, 2 нафар бола бош мия ёпик жароҳати, бош мия чайқалишини ўтказганлар. Қолганларида асаб тизимини зарарловчи факторлар сурункали яллиғланиш ўчоқларининг мавжудлиги деб ҳисобланди.

3.3. Нейропсихологик текширувлар натижалари

Олти ёшли болани мактабга психологик тайёрлигини ўрганиш варағи бўйича болаларнинг нейропсихологик ҳолати шуни кўрсатдики, 5,5-6 ёшли болалар 1 топшириқ бўйича максимал 4 балладан $3,1 \pm 0,02$ балл тўплаганлар, уларнинг 10 (26,4%) таси 2 балл, 14 (36,8%) таси 3 балл, ва 14 (36,8%) таси 4 баллдан тўплаган. 6-6,5 ёшли болалар эса биринчи топшириқ бўйича ўртача $3,45 \pm 0,01$ балл тўпладилар, улардан 34 (54,8%) нафари 4 балл, 22 (35,5%) нафари 3 балл, 6 (9,7%) нафари 2 балл тўплаган. Демак, каттароқ ёшдаги болаларнинг майда қўл ҳаракатлари, диққати, образли мантиқий фикрлаши яхшироқ ривожланганидан далолат беради.

2 топшириқ бўйича 5,5-6 ёшли болалар максимал 6 баллдан ўртача $4,53 \pm 0,026$ баллга тўпладилар, уларнинг 8 (21,05%) нафари 6 балл, 10 (26,3%) таси 5 балл, 14 (36,8%) таси 4 балл, 6 (15,78%) таси 3 балл тўплаган. 6-6,5 ёшли болалар иккинчи топшириқ бўйича ўртача $5,31 \pm 0,012$ балл тўплаганлар, уларнинг 29 (46,77%) таси 6 балл, 23 (37,09%) 5 балл, 10 (16,11%) таси 4 балл тўплаган. Демак бу гуруҳдаги болларда кичик ёшдаги болаларга нисбатан мантиқий тафаккур - образли ва сўз мантиқий тафаккур, гуруҳлаштириш ва умумлаштириш каби олий пўстлоқ функциялари юқорироқ даражада ривожланган.

3 топшириқ болаларнинг диққати, идроки, мантиқий тафаккури ва математик ва фазовий тасаввурининг, фантазия ва эталон билан солиштириш қобилиятларини баҳолайди. 5,5-6 ёшли болалар максимал 4 баллдан ўрта ҳисобда $3,1 \pm 0,021$ баллни ташкил қилган. Максимал 4 баллдан 14 (36,8%) бола 4 балл, 14 (36,8%) бола 3 балл ва 10 (26,3%) бола 2 балл тўплаганлар. 6-6,5 ёшли болалар ўрта ҳисобда $3,59 \pm 0,01$ балл тўпладилар, уларнинг 40 (64,6%) таси 4 балл, 19 (30,6%) таси 3 балл, 3 (4,8%) таси 2 баллдан тўплаганлар.


Тўртинчи топшириқ вербал хотира, тафаккур, мантиқий тафаккур, қадамма-қадам ички режалаштириш функцияларини баҳолайди. Бу тест бўйича кичик ёшдаги болалар максимал 5 баллдан ўртача $3,39 \pm 0,03$ балл тўплаганлар. Уларнинг 10 (26,3%) таси 5 балл, 6 (15,79%) таси 4 балл, 11 (28,9%) таси 3 балл, ва 11 (28,9%) таси 2 балл йиғди. Каттароқ ёшдаги болалар ўртача $4,27 \pm 0,012$ балл йиғдилар, уларнинг 28 (45,2%) нафари 5 балл, 23 (37,09%) нафари 4 балл, 11 (17,7%) нафари 3 балл тўпладилар.

Бешинчи топшириқ учун энг максимал балл - 8 балл ажратилган бўлиб, бу топшириқ асосида болаланинг нутқи, мантиқий фикрлаши, фикрлашнинг мантиқий кетма-кетлиги, диққати, идроки, ёзма нутқнинг ривожланганлиги баҳоланди. Бу топшириқда ҳам каттароқ ёшли болалар кичикроқ ёшдагиларга нисбатан кўпроқ балл тўплаганлар. 5,5-6 ёшдаги болалар ичида 8 баллни ҳеч ким олмади, 7 баллни 2 (5,3%) бола, 6 баллни 4

(10,5%) бола, 5 баллни 7 (18,4%) бола, 4 баллни 10 (26,3%) бола, 3 баллни 11 (28,9%) бола, 2 баллни 4 (10,5%) бола тўплади. 6-6,5 ёшли болалар ўртача $7,32 \pm 0,011$ балл тўплаган, уларнинг 29 (46,77%) нафари 8 балл, 24 (38,7%) бола 7 балл, 9 (14,5%) бола 6 балл тўплаган.


Олтинчи топшириқ бола билан суҳбат кўринишида ўтказилиб, унинг умумий фикрлаши, умумий билим савияси, мактабга ижтимоий-психологик тайёрлик даражаси, илк ўқув мотивацияларининг шаклланганлик, шахс индентификациясининг ривожланганлик даражасини аниқлаб беради.

Бу топшириқ бўйича кичик ёшдаги болалар $1,45 \pm 0,013$ балл тўплаганлар, уларнинг 17 (44,7%) таси 2 балл, 21 (55,3%) таси 1 балл тўплаганлар. 6-6,5 ёшли болалар тўплаган баллнинг ўрта кўрсаткичи $2,65 \pm 0,007$ баллга тенг бўлиб, 3 баллни 40 (64,5%) нафари, 2 баллни 22 (35,5%) нафари тўплаган. Максимал балл 4 баллни ташкил этади.



Расм 3.7. 6 ёшли болаларнинг мактабга тайёрлик варақаси бўйича баҳолаш (ўртача баллар).

Якуний еттинчи топшириқ товуш талаффузини, фонематик укувини, нутқнинг лексик-грамматик компонентларини ривожланганлик даражасини аниқлаб беради. 5,5-6 ёшли болалар максимал 4 баллдан ўрта ҳисобда $3,1 \pm 0,02$ балл тўплаганлар, уларнинг тўплаган балл диапазонлари қуйидагича бўлган - 4 ва 3 баллни 14 (36,8%) тадан болалар, 2 баллни 10 (26,3%) болалар тўплашга муваффақ бўлдилар. 6-6,5 ёшли болалар умумий $3,42 \pm 0,01$ балл тўплаб, максимал 4 баллни 32 (51,6%) бола, 3 баллни 24 (38,7%) бола, 2 баллни 6 (9,7%) нафар бола тўплашга муваффақ бўлганлар.



Расм 3.8. 6 ёшли болаларни нейрпсихологик текширувлар натижалари.

Бу тест боланинг диққати, идроки, тасавури, майда қўл ҳаракатлари ривожланганлигини ёритиб беради, бош миянинг санаб ўтилган функциялари 6-6,5 ёшли болаларда максимал кўрсаткичларга етмаса ҳам, нисбатан яхши ривожланган, кўпчилик ҳолларда уйчанинг расмини чизишда

майда деталлар чизилмай қолган, чизиклар текис эмас, уйчанинг деразалари ўлчамлари ҳар хил бўлганлиги - кўрғазмали схематик фикрлашнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ҳақида далолат беради.

Болаларда мантиқий тафаккур, образли ва сўз мантиқий тафаккури, идрок функцияларининг 5,5-6 ёшли болаларда яхши шаклланмагани, умумийлаштириш, гуруҳлаштиришда йўл қўйган хатоликлари, уларнинг мактабга тайёр эмаслигини кўрсатди. Улар қисмлардан бутун яшаш, мантиқий жуфтликни топиш, ортиқчасини топиш каби машқларни қийинчилик билан бажардилар. 6 топшириқ натижасининг бу ёшдаги болаларда анча паст бўлиши уларни ўқув мотивациялари пастлиги, мактабга ижтимоий психологик тайёрлик даражасининг пастлигидан далолат беради. Бу болалар билан суҳбат ўтказиш давомида улар нима учун мактабга бориш кераклигини аниқ-тиниқ тушунтириб бера олмадилар. Мактабга тайёр деб топилган 3 нафар бола билан ота-онаси қўшимча шуғуллангани, мактабга тизмили равишда тайёрлаб боргани сабабли тестдан яхши ўтдилар.

6-6,5 ёшли болаларнинг 27 нафаригина тестлардан ўтувчи баллар йиғишга муваффақ бўлдилар. Уларда қўлларнинг майда ҳарактлари, идрок, тафаккур, сўз-мантиқий ва образли мантиқий фикрлаш етарли даражада ривожланган бўлиб, мактаб мотивациялари ҳам тегишли даражада бўлган. Демак, 5,5-6 ёшли болаларнинг 3 нафаригина (7,9%) тест натижаларига биноан мактабга тайёр деб топилди. 6-6,5 ёшли болаларнинг 27 нафари (43,54%) мактабга тайёр деб хулоса қилинди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, бу тест кўп вақтни талаб қилганлиги сабабли болаларнинг диққатини берилган топшириққа жамлаш, айниқса, охириги тестларга келиб мураккаб вазифа бзлиб қолди. Болаларга, айниқса, кичикроқ ёшдаги болаларга импульсив ҳаракатлар хос бўлганлиги сабабли, мактабга ички мотивациянинг паст даражаси болани топшириқларни бажаришини мураккаблаштирди, оддий сўз билан айтадиган бўлсак, болалар зерикиб қолади, топшириқларга қизиқиши йўқолади, диққати тез чалғий бошлади.


Болаларни мактабга тайёрлигини текширишнинг яна бир усули Керн-Йирасек тести бўлиб, у учта топшириқдан иборат: эркак кишини расмини хотирадан чизиш, ёзма ҳарфларни тақлид қилиб кўчириш, нуқталар гуруҳини кўчириб олиш. Тест натижалари максимал 5 балли система билан баҳоланди ва умумий балл ҳисобланиб чиқилди. Бу тест боланинг майда моторикасини ривожланиш даражаси, ёзув кўникмаларини эгаллаб олишга тайёргарлиги, фазовий ориентация, қўлнинг ҳаракат координацияларининг ривожланиш даражасини баҳолайди.

Керн-Йирасек тести бўйича 5,5-6 ёшли болалар ўрта ҳисобда $10,66 \pm 0,06$ балл тўплаганлар, уларнинг 2 нафари 5 балл тўплаган бўлиб Керн-Йирасек тести натижалари бўйича мактабга тайёр деб топилди. Бу гуруҳдаги болаларнинг тўплаган баллари қуйидагича бўлди: биринчи топшириқ бўйича 5 баллни 8 (21,05%) болалар, 4 балл 19 (50%) болалар, 3 баллни 7 (18,4%) нафар бола, 2 баллни 4 (10,5%) нафар болалар тўплаган. 6-6,5 ёшли болалар бу топшириқ бўйича пастроқ балл олганлар (аввалги нейропсихологик тестдан фарқли ўлароқ Керн-Йирасек тести бўйича 1 балл энг яхши ва юқори натижа ҳисобланади), бу топшириқ бўйича умумий ўрта балл $3,4 \pm 0,02$ ни ташкил этган. Улардан 2 (3,21%) нафари 1 балл, 15 (24,2%) нафари 2 балл, 16 (25,8%) нафари 3 балл, 14 (22,6%) нафари 4 балл, 15 (24,2%) нафари 5 балл тўплаган.

Бу топшириқ бўйича болалар эркак киши расмини ёддан чизиб беришлари керак бўлган, каттароқ ёшдаги болаларда майда деталларга эътибор юқорироқ бўлган -одам юзидаги, кийимидаги деталлар, қўлларидаги бармоқлар чизилган.

Иккинчи топшириқ бўйича ёзма ёзилган уч сўздан иборат сўзлар бирикмаси болага берилиб, ундан шу ёзувни ўхшатиб кўчириш сўралганда, бу топшириқни каттароқ ёшли болалар яхшироқ бажарган: улар сўзлар ўртасидаги масофани сақлаган ҳолда кўчириб олганлар, сўзлар горизонтал бўйича текис ёзилган. Кичикроқ ёшдаги болалар иккинчи топшириқ бўйича $3,89 \pm 0,024$ балл тўпладилар, улардан 11 (28,9%) бола 5 балл, 15 (39,5%) бола

4 балл, 9 (23,7%) бола 3 балл, 3 (23,7%) бола 2 балл тўплаган. 6-6,5 ёшли болалар ўртача $2,64 \pm 0,02$ балл тўпладилар, улардан 8 (12,9%) та бола 5 балл, 7 (11,3%) та бола 4 балл, 12 (19,4%) бола 3 балл, 25 (40,3%) бола 2 балл ва 10 (16,12%) бола 1 балл тўпладилар (расм 3.9.).




3.9. Керн-Йирасек тести бўйича баллар тўплаган болалар сони.

Учинчи тошириқ бўйича нуқталар гуруҳини чизиш сўралган, кичикроқ ёшдаги болалар бу нуқталарни чизишда уларни бир-бирига нисбатан жойлашуви, улар ўртасидаги масофага риоя қилинмаган. Шу сабабли кичикроқ ёшдаги болалар каттароқ ёшдаги болаларга нисбатан кўпроқ балл тўпладилар. Улар тўплаган балл ўртача $3,42 \pm 0,034$ балл тўплаганлар, улардан 12 (31,6%) таси 5 балл, 8 (21,05%) таси 4 балл, 7 (18,4%) таси 3 балл, 8 (21,05%) таси 2 балл ва 3 (7,9%) нафари 1 балл тўпладилар. Каттароқ гуруҳ болалари ўртача $2,68 \pm 0,018$ балл тўпладилар, уларнинг 5 (8,06%) таси 5 балл, 10 (16,12%) таси 4 балл, 17 (27,4%) нафари 3 балл, 20 (32,2%) нафари 2 балл ва 10 (16,12%) таси 1 балл тўплаган.

5,5-6 ёшли болаларнинг 27 нафарида мактабга ўрта тайёргарлик даражаси деб баҳоланди, 9 нафари паст даражада тайёр деб топилди.

6-6,5 ёшли болаларнинг 12 нафари мактабга тайёрлик даражаси юқори, ўрта даражадаги тайёрлик 35 болада, паст даражадаги тайёрлик 15 болада аниқланди (расм 3.10):



Расм 3.10. Керн-Йирасек тести бўйича тўплаган баллар.

Керн-Йирасек тестининг қўшимча саволномасига болалар жавоб берганда 5,5-6 ёшли болаларнинг 4 нафари 0 баллдан кўп балл тўплаганлар. Бу гуруҳда ўртача балл $-2,29 \pm 4$ баллга тенг бўлган. 6-6,5 ёшли болалар ўртача $5,29 \pm 10,04$ баллни ташкил этди, 0 ва ундан паст баллни 32 нафар бола (51,6%) олган, қолган 30 (48,4%) нафар бола эса 0 баллдан юқори балл тўплаган.


Иккала нейропсихологик тестлар ўртасида корреляцион боғларни аниқланганда бу боғлар кучсиз ва тескари бўлган $-0,6$ ва иккинчи гуруҳ болаларда $-0,68$ га тенг бўлган. Бу боғнинг тескарилиги биринчи тестда тўғри жавоб учун баланд балл берилган бўлса, иккинчи тест учун кичик балл ижобий деб топилган.

Шундай қилиб, мактабга 5,5-6 ёшли болаларнинг 3 нафари ва 6-6,5 ёшли болаларнинг 27 нафари мактабга тайёр деб топилган ва йўлланма берилган.

3.4. Текширувдан ўтган болаларнинг ўзлаштириш даражаси ва ўқишнинг жисмоний ҳолатига таъсири

Демак, 100 нафар текширувдан ўтган болаларнинг 30 нафари ўрта умумий таълим мактабида 1 йил давомида таҳсил олдилар. IV чоракнинг охирида болаларнинг ўзлаштириш даражаси 7 ёшга етиб мактабга борган болаларнинг ўзлаштириш даражаси билан солиштирилди.


6 ёшли болалар ичида аълочилар сони 8 (26,7%) нафарни, тўрт баҳога ўқувчилар 15 (50%) ни, уч баҳога ўқувчилар 7 (23,3%) нафарни ташкил этган. 7 ёшдан мактабда ўқишни бошлаган болаларнинг 8 (40%) нафари аълочи, 9 (45%) нафари тўрт баҳога ўқиганлар, 3 (15%) нафар болалар эса уч баҳога ўқиганлар (расм 3.11.).



Расм 3.11. Болаларнинг ўзлаштириш даражаси.

В.Сивков (1998) тадқиқотлар натижасига асосланган ҳолда бошланғич синф ўқувчилари учун предметларнинг мураккаблик даражасини ишлаб чиққан, унинг фикрича ўқув жараёнини ташкил қилишда шу шкалага асосланмоқ керак. Унинг фикрича бошланғич синф ўқувчиси учун энг мураккаб фан бу математика ҳисобланади ва унга 8 балла ажаратилган, она тили мураккаблиги 7 балл билан, табиатшунослик фани 6 балл, ўқиш фани 5 балл, тарих фани 4 балл, тасвирий санъат ва мусиқа фани 3 балл билан, меҳнат фани 2 балл ва жисмоний тарбия фани 1 балл билан баҳоланган.


Ҳам етти, ҳам олти ёшли болалар математика фанини ўзлаштиришга бир оз қийналганлар, табиатшунослик, тасвирий санъат ва жисмоний тарбия фанларидан ўзлаштириш бир мунча юқорироқ бўлган (расм 3.12.).



Расм 3.12. Болаларни фанларни ўзлаштириши даражаси.

Болаларнинг жисмоний ривожланишига ўқишнинг таъсирини текширадиган бўлсак, антропометрик текширувлар олиб бориш натижасида шу аниқландики, болаларнинг III-IV чорак мобайнида вазни ўрта ҳисобда $5,8\% \pm 0,78$ га камайиши аниқланган (расм 3.13).

Диаграммадан шуни кўриш мумкинки, сентябрь ойидан бошлаб болалар аста-секин вазн кўшиш динамикаси секинлашиб борган ва 6 ёшли болаларда декабрь, январь ойларида болалар умуман вазн кўшмаганлар, февраль ойида эса бу кўрсаткич манфий ишорага эга бўлган. 7 ёшли болаларда вазн ўзгариши динамикаси 6 ёшлиларга нисбатан кескинлиги камроқ бўлиб, уларда вазн йўқотиш кузатилмаган, аммо февраль ойларида болалар вазн кўшмаган, бу учинчи чоракнинг узунлиги, болаларда компенсатор имкониятларни чегараланганлиги ҳақида далолат беради.




Расм 3. 13. Болаларнинг ўқув йили мобайнида вазн йўқотишлари динамикаси.

Худди шундай ўзгаришлар болаларнинг бўй ўзгаришларига таалукли бўлган. Қиш ойларида боланинг бўй кўшиши камайиб, кейинчалик ўз маромига етиб олган.

Кўриш органи томонидан рефракция аномалияси ўзгаришлари бўлган 12 нафар болаларда миопия даражасининг кучайиши аниқланган. Сурункали касалликларнинг рецидиви 5 (16,7%) ҳолда кузатилган. 14 (46,7%) болаларда

асаб тизмининг функционал бузилишларини юзага келгани кузатилди, бу бош оғриши, ҳолсизлик ва тез чарчаш билан намоён бўлган.




Расм.3.14. Болаларда бўй қўшиш динамикаси.

Буларни боладаги дезадаптация ҳолати билан тушунтирилади.

Биринчи синф ўқувчиларида дезадаптация бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида бола ҳолатини кузатиш картаси ота-оналар томонидан тўлдирилди. Картада келтирилган маълумотларга асосан 6 ёшли болаларнинг 10 (33,3%) нафари ўқув дастурини яхши ўзлаштирган, зўриқиш ва сурункали касалликларнинг рецидивини кузатилмаган, 7 ёшли болаларнинг 11 (55%) нафарида зўриқиш аниқланмади.

Енгил даражадаги дезадаптация 6 ёшли болаларнинг 11 (36,7%) ида, 7 ёшли болаларнинг 5 (25%) ида кузатилган, яққол дезадаптация 6 ёшли болаларнинг 9 (30%) нафарида ва 7 ёшли болаларнинг 4 (20%) нафарида кузатилган.


Енгил даражадаги дезадаптация болада тез чарчаш, дам-бадам бош оғриши, диққатнинг бузилиши билан намоён бўлган.



Расм 3.15. Болаларнинг дезадаптация даражаси (ота-оналар картаси).

Ўқитувчилар томонидан ўқувчиларда дезадаптация ҳолатини аниқлашга ёрдам бекрувчи карта тўлдирилганда ота-оналар картасидан бирмунча фарқ қилиши аниқланди. Бу ота-оналарни ўз болаларига нисбатан нообъектив берган баҳолари билан боғлиқ деб ҳисобладик.

Ўқитувчиларнинг фикрича 6 ёшли болаларнинг баъзилари бетартиб эканликлари, импульсив ҳаракатларга мойил - ўрндан туриб синфда юриб атрофдаги бошқа ўқувчиларга ҳалақит берадилар, жойида ўтирган ҳолда гапириб юборадилар, диққати бузилганлиги сабабли ўқитувчига қайта-қайта саол берганлар. Дарснинг охирига бориб тез толиқиш кузатилиб, берилган топшириқларни бажаришдан бош тортганлар. Баъзи болалар паст баҳо олганларида йиғлаб тўпалон қилганлар. Дезадаптация ҳолатидаги болаларнинг кўпчилигида ички қўрқув ҳолати бўлиб, у болани ўзига ишончини пасайишига сабаб бўлган. Баъзи болалар мактабга дарсга тайёрланмасдан келганлар.



Расм 3. 16. Болаларда дезадаптация мавжудлигини аниқловчи тестлар фарқи.

7 ёшли болада нима учун дезадаптация кузатилаётганини аниқлаш учун уларнинг тиббий картаси текширилганда 3 нафарининг перинатал даври асоратли кечганлиги аниқланди.

Яққол дезадаптация диққатнинг бузилиши, хотиранинг пасайиши, бош оғриши, эмоционал лабиллик, тури баҳоналар билан мактабга бормаслик, уйқунинг бузилиши, ихтиёрсиз ҳаракатларнинг пайдо бўлиши, импульсив ҳаракатлар кўринишида бўлган. Бундай болаларга психолог маслаҳати ва кун тартибини меъёрлаштириш тавсия этилди.

III боб бўйича хулоса

6 ёшли болаларнинг мактабга тайёрлигини ўрганиш мақсадида биз уларнинг жисмоний, асаб-руҳий ривожланганлик даражасини, неврологик статуси, болаларнинг насл-насаби, уларда соматик каслликлари мавжудлиги ўрганилди ва болаларнинг асаб-руҳий ривожланишга бу омилларнинг таъсири ўрганилди.

Нейропсихологик тестлардан ЎзР таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган 6 ёшли болани психологик-педагогик тайёрлигини аниқлаш варақаси ва Керн-Йирасек тести ёрдамида текширилди.

Тор мутахассислар кўриги, антропометрик текширувлар ва нейропсихологик текширувлар натижаларига асосланган ҳолда 5,5-6 ёшли болаларнинг 3 нафари, 6-6,5 ёшли болаларнинг 27 нафари мактабга тайёр деб топилди. Бир йилдан кейин болаларнинг ўзлаштириш даражаси текширилганда 6 ёшли болаларнинг ўзлаштириш даражаси 7 ёшли болаларга нисбатан бир оз пастроқ бўлган.

Антропометрик кўрсаткичлар ҳам бир мунча ўзгаришларга учради. Болаларнинг вазн олиши бир оз секинлашиб, баъзи болалар III чорак давомида бир оз озишлари ҳам кузатилган. Ҳамма биринчи синф ўқувчилари мактабга чиққач, адаптация даврени ўтадилар. Баъзилари тез ва асоратларсиз кўникишса, қолганларида асаб тизими томонидан функционал ўзгаришлар ва сурункали касалликларнинг рецидивлари кузатилган. Бу болаларга биз психолог маслаҳатини тавсия қилдик ва кун тартибини оптималлаштиришни маслаҳат бердик.

ХОТИМА

Тадқиқот иши 100 нафар 6 ёшли мактабгача муассаса тарбияланувчиси текширувдан ўтказишга асосланган. Уларнинг ўртача ёши $6,55 \pm 0,25$ йилни ташкил этди.

Болаларни ёши бўйича тақсимлаш Безруких М. М., Ефимова С. П., ва б.ларнинг (1998) таснифига асосан олиб борилди, яъни 5 ёшу 6 ойдан 6 ёшу 6 ойгача бўлган болалар олинди.

Болалар режали равишда мутахассис врачлар (педиатр, невролог, психолог, хирург, офтальмолог) кўригидан ўтдилар. Уларга кўриқдан аввал қон, пешоб, нажаснинг умумий таҳлили ўтказилди.

Текширилган беморларнинг ичида ўғил болалар сони 46 (46%) ва қиз болалар сони 54 (54%)ни ташкил этди. Антропометрик тадқиқотлар (Холодов Ж. К., Кузнецов В. С., Карманова Л. В. ва б.;) шуни кўрсатдики, 6-7 ёшли болалар бўйи ўрта ҳисобда 111-129 см ўғил болаларда, ва 99-124 см қиз болаларда ташкил этади. Бу Россия олимларининг маълумоти Ўзбекистон Республикаси бўйича охириги маълумотларни аниқлаб бўлмади [19].

Болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари ўрта ҳисобда 40% ҳолларда ўрта кўрсаткичлар чегарасида бўлса ҳам, 23% ҳолларда -1σ оғишдан кичик ва 37% ҳолларда $+1\sigma$ оғишдан катта бўлган. Уларнинг антропометрик ривожланишига мавжуд сурункали касалликлари ўз таъсирини кўрсатган. Боғча болаларининг 12%и гина тўла соғлом деб топилди.

Болалар турли тор мутахассислар кўригидан ўтказилганда қуйидаги соматик касалликлар топилди: анемия I даражаси 48% болаларда, нафас йўллариининг сурункали касалликлари (аденоидлар вегетацияси I-II даражаси, сурункали синуситлар, аллергия ринит, сурункали бронхит, бронхиал астма касаллиги) 23% болаларда, ошқозон-ичак йўллари сурункали

касалликлари (сурункали гипоацид гастрит, сурункали энтероколит, сурункали холецистит) 32% болаларда, сийдик чиқарув йўллари касалликлари (сурункали пиелонефрит) 12% болаларда кузатилган. Ҳаракат-таянч системаси томонидан кузатиладиган ўзгаришлар (яссиоёқлик, қоматнинг бузилишлари) 27% болаларда аниқланган. Кўрув тизими томонидан рефракция аномалияси миопия кўринишида 12% ҳолда кузаилган. Бу болаларнинг баъзиларида бир эмас бир неча касалликлар биргаликда учраган.

Болаларнинг оилавий аҳволи, келиб чиқиши таҳлил қилинганда уларнинг 18%и зиёлилар оиласи, 29%и хизматчилар, 29% ишчилар оиласи ва 24%и тадбиркорлар оиласида тарбияланади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бир неча сурункали касаллик бирга учраганда боланинг жисмоний ривожланиши - антропометрик кўрсаткичлари медианадан сезиларли кам бўлган.

Текширилган болаларнинг 72% ида асаб тизимининг патологияси аниқланган, 38% болалар эса неврологик жиҳатдан соғлом деб топилган.

Уларнинг неврологик статуси тўлиқ текширилганда майда тарқоқ ўчоқли неврологик белгилар топилган. Аниқланган неврологик белгилар ва кўшимча текширув натижалари, ҳамда анамнестик маълумотларга асосланган ҳолда 23 нафар болаларга минимал мия дисфункцияси, 25 нафар болага диққатнинг дефицити ва гиперфаоллик синдроми ташҳиси, 13 болага марказий нерв системасининг интоксикацияси ташҳиси, 9 болага вегетатив дистония синдроми, енгил яширин гемипарез бўлган 2 нафар боланинг анамнезидан постнатал бош мия травмасини ўтказгани аниқланган, шу сабабли уларга посттравматик энцефалопатия ташҳиси қўйилди.

Асаб тизимидаги ўзгаришларнинг негизини аниқлаш мақсадида уларнинг тиббий картасига асосланган ҳолда анамнези ўрганилди. Бу болаларнинг 29% и перинатал гипоксик-ишемик энцефалопатия ўтказганлар, бу борада болалар неврологи диспансер ҳисобида турганлар. Юқорида айтилгандек, 2 нафар бола бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалишини

ўтказганлар. Қолганларида асаб тизимини зарарловчи факторлар сурункали яллиғланиш ўчоқларининг мавжудлиги деб ҳисобланди.

6 ёшли болани мактабга психологик-педагогик тайёрлигини аниқловчи тест боланинг диққати, идрок, тасаввури, майда қўл ҳаракатлари ривожланганлигини ёритиб беради, бош миянинг санаб ўтилган функциялари 6-6,5 ёшли болаларда максимал кўрсаткичларга етмаса ҳам, нисбатан яхши ривожланган, кўпчилик ҳолларда уйчанинг расмини чизишда майда деталлар чизилмай қолган, чизиклар текис эмас, уйчанинг деразалари ўлчамлари ҳар хил бўлганлиги - кўрғазмали схематик фикрлашнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ҳақида далолат беради.

Болаларда мантиқий тафаккур, образли ва сўз мантиқий тафаккури, идрок функцияларининг 5,5-6 ёшли болаларда яхши шаклланмагани, умумийлаштириш, гуруҳлаштиришда йўл қўйган хатоликлари, уларнинг мактабга тайёр эмаслигини кўрсатди. Улар қисмлардан бутун яшаш, мантиқий жуфтликни топиш, ортиқчасини топиш каби машқларни қийинчилик билан бажардилар. 6 топшириқ натижасининг бу ёшдаги болаларда анча паст бўлиши уларни ўқув мотивациялари пастлиги, мактабга ижтимоий психологик тайёрлик даражасининг пастлигидан далолат беради. Бу болалар билан суҳбат ўтказиш давомида улар нима учун мактабга бориш кераклигини аниқ-тиниқ тушунтириб бера олмадилар. Мактабга тайёр деб топилган 3 нафар бола билан ота-онаси қўшимча шуғуллангани, мактабга тизмили равишда тайёрлаб боргани сабабли тестдан яхши ўтдилар.

6-6,5 ёшли болаларнинг 27 нафаригина тестлардан ўтувчи баллар йиғишга муваффақ бўлдилар. Уларда қўлларнинг майда ҳаракатлари, идрок, тафаккур, сўз-мантиқий ва образли мантиқий фикрлаш етарли даражада ривожланган бўлиб, мактаб мотивациялари ҳам тегишли даражада бўлган.

Демак, 5,5-6 ёшли болаларнинг 3 нафаригина (7,9%) тест натижаларига биноан мактабга тайёр деб топилди. 6-6,5 ёшли болаларнинг 27 нафари (43,54%) мактабга тайёр деб хулоса қилинди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, бу тест кўп вақтни талаб қилганлиги сабабли болаларнинг диққатини берилган

топшириққа жамлаш, айниқса, охириги тестларга келиб мураккаб вазифа бўлиб қолди. Болаларга, айниқса, кичикроқ ёшдаги болаларга импульсив ҳаракатлар хос бўлганлиги сабабли, мактабга ички мотивациянинг паст даражаси болани топшириқларни бажаришини мураккаблаштирди, оддий сўз билан айтадиган бўлсак, болалар зеркиб қолади, топшириқларга қизиқиши йўқолади, диққати тез чалғий бошлади.

Болаларни мактабга тайёрлигини текширишнинг яна бир усули Керн-Йирасек тести бўлиб, у учта топшириқдан иборат: эркак кишини расмини хотирадан чизиш, ёзма ҳарфларни тақлид қилиб кўчириш, нуқталар гуруҳини кўчириб олиш. Тест натижалари максимал 5 балли система билан баҳоланди ва умумий балл ҳисобланиб чиқилди. Бу тест боланинг майда моторикасини ривожланиш даражаси, ёзув кўникмаларини эгаллаб олишга тайёргарлиги, фазовий ориентация, қўлнинг ҳаракат координацияларининг ривожланиш даражасини баҳолайди.

Керн-Йирасек тести бўйича 5,5-6 ёшли болалар ўрта ҳисобда $10,66 \pm 0,06$ балл тўплаганлар, уларнинг 2 нафари 5 балл тўплаган бўлиб Керн-Йирасек тести натижалари бўйича мактабга тайёр деб топилди. Бу опшириқ бўйича болалар эркак киши расмини ёддан чизиб беришлари керак бўлган, каттароқ ёшдаги болаларда майда деталларга эътибор юқорироқ бўлган - одам юзидаги, кийимидаги деталлар, қўлларидаги бармоқлар чизилган.

Иккинчи топишириқ бўйича ёзма ёзилган уч сўздан иборат сўзлар бирикмаси болага берилиб, ундан шу ёзувни ўхшатиб кўчириш сўралганда, бу топшириқни каттароқ ёшли болалар яхшироқ бажарган: улар сўзлар ўртасидаги масофани сақлаган ҳолда кўчириб олганлар, сўзлар горизонтал бўйича текис ёзилган. Учинчи тошириқ бўйича нуқталар гуруҳини чизиш сўралган, кичикроқ ёшдаги болалар бу нуқталарни чизишда уларни бир-бирига нисбатан жойлашуви, улар ўртасидаги масофага риоя қилинмаган. Шу сабабли кичикроқ ёшдаги болалар каттароқ ёшдаги болаларга нисбатан кўпроқ балл тўпладилар.

Олимларнинг фикрича бу тест боланинг рухий, ҳаракатлар координацияси, фикрлаш ва мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни ривожланиш даражасини баҳолашга ёрдам беради. Ўтказилган тадқиқотларга асосан бу тест натижалари, соматик етуклик даражаси, яъни организмнинг турли органлари фаолияти кўрсаткичлари билан тўғри корреляцияланади. Маълумотларга қараганда 3 гуруҳ болалар мавжуд: етук, ўрта етук ва етук бўлмаган.

5 ёшда 90% болалар, 6 ёшда 51%, 6,5 ёшда 32% ва 7 ёшда 13%, 8 ёшда эса 2% болалар мактабга тайёр эмас экан [8]. 5,5-6 ёшда бу мактабга тайёр бўлмаганлар орасида ўғил болалар кўп бўлса, 7 ёшли болалар орасида эса жинс бўйича фарқ қолмайди. Бизнинг тадқиқотларимиз натижаларига биноан 5,5-6 ёшли болаларнинг 17 (44,7%) нафари, 6-6,5 ёшли боланинг 15 (24,2%) мактабга тайёр эмас деб топилди.

Реброва М.А. (2010) болалар боғчасида неврологик статусида ўзгаришлар ва нутқ ўзгаришлари бўлган логопедик гуруҳ болаларини диққат функциясини ривожланишини 6 ва 7 ёшли болаларда қиёслаб текшириш натижасида 7 ёшли болаларда бу функция яхшироқ ривожланганлигини аниқлади.

Биз мактабга танлаб олган 30 нафар 6 ёшли болалар ўрта умумий таълим мактабида 1 йил давомида таҳсил олдилар. IV чоракнинг охирида болаларнинг ўзлаштириш даражаси 7 ёшга етиб мактабга борган болаларнинг ўзлаштириш даражаси билан солиштирилди.

6 ёшли болалар ичида аълочилар сони 8 (26,7%) нафарни, тўрт баҳога ўқувчилар 15 (50%) ни, уч баҳога ўқувчилар 7 (23,3%) нафарни ташкил этган. 7 ёшдан мактабда ўқишни бошлаган болаларнинг 8 (40%) нафари аълочи, 9 (45%) нафари тўрт баҳога ўқиганлар, 3 (15%) нафар болалар эса уч баҳога ўқиганлар

В.Сивков (1998) тадқиқотлар натижасига асосланган ҳолда бошланғич синф ўқувчилари учун предметларнинг мураккаблик даражасини ишлаб чиққан, унинг фикрича ўқув жараёнини ташкил қилишда шу шкалага

асосланмоқ керак. Унинг фикрича бошланғич синф ўқувчиси учун энг мураккаб фан бу математика ҳисобланади ва унга 8 балла ажратилган, она тили мураккаблиги 7 балл билан, табиатшунослик фани 6 балл, ўқиш фани 5 балл, тарих фани 4 балл, тасвирий санъат ва мусиқа фани 3 балл билан, меҳнат фани 2 балл ва жисмоний тарбия фани 1 балл билан баҳоланган [6].

Ҳам етти, ҳам олти ёшли болалар математика фанини ўзлаштиришга бир оз қийналганлар, табиатшунослик, тасвирий санъат ва жисмоний тарбия фанларидан ўзлаштириш бир мунча юқорироқ бўлган. Бундан ташқари тадқиқотчилар мураккаб фанларни нечанчи дарсда ўқитиш самарали бўлишини ҳам ўрганиб чиқиб, ўз тавсияларини берганлар.

Болаларнинг жисмоний ривожланишига ўқишнинг таъсирини текширадиган бўлсак, антропометрик текширувлар олиб бориш натижасида шу аниқландики, болаларнинг III-IV чорак мобайнида вазни ўрта ҳисобда $5,8\% \pm 0,78$ га камайиши аниқланган.

Диаграммадан шуни кўриш мумкинки, сентябрь ойидан бошлаб болалар аста-секин вазн кўшиш динамикаси секинлашиб борган ва 6 ёшли болаларда декабрь, январь ойларида болалар умуман вазн кўшмаганлар, февраль ойида эса бу кўрсаткич манфий ишорага эга бўлган. 7 ёшли болаларда вазн ўзгариши динамикаси 6 ёшлиларга нисбатан кескинлиги камроқ бўлиб, уларда вазн йўқотиш кузатилмаган, аммо февраль ойларида болалар вазн кўшмаган, бу учинчи чоракнинг узунлиги, болаларда компенсатор имкониятларни чегараланганлиги ҳақида далолат беради.

Худди шундай ўзгаришлар болаларнинг бўй ўзгаришларига таалуқли бўлган. Қиш ойларида боланинг бўй кўшиши камайиб, кейинчалик ўз маромига етиб олган.

Кўриш органи томонидан рефракция аномалияси ўзгаришлари бўлган 12 нафар болаларда миопия даражасининг кучайиши аниқланган. Сурункали касалликларнинг рецидиви 5 (16,7%) ҳолда кузатилган. 14 (46,7%) болаларда асаб тизмининг функционал бузилишларини юзага келгани кузатилди, бу бош оғриши, ҳолсизлик ва тез чарчаш билан намоён бўлган.

Буларни боладаги дезадаптация ҳолати билан тушунтирилади.

Биринчи синф ўқувчиларида дезадаптация бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида бола ҳолатини кузатиш картаси ота-оналар томонидан тўлдирилди. Картада келтирилган маълумотларга асосан 6 ёшли болаларнинг 10 (33,3%) нафари ўқув дастурини яхши ўзлаштирган, зўриқиш ва сурункали касалликларнинг рецидивини кузатилмаган, 7 ёшли болаларнинг 11 (55%) нафарида зўриқиш аниқланмади.

Енгил даражадаги дезадаптация 6 ёшли болаларнинг 11 (36,7%) ида, 7 ёшли болаларнинг 5 (25%) ида кузатилган, яққол дезадаптация 6 ёшли болаларнинг 9 (30%) нафарида ва 7 ёшли болаларнинг 4 (20%) нафарида кузатилган.

Енгил даражадаги дезадаптация болада тез чарчаш, дам-бадам бош оғриши, диққатнинг бузилиши билан намоён бўлган.

Ўқитувчилар томонидан ўқувчиларда дезадаптация ҳолатини аниқлашга ёрдам берувчи карта тўлдирилганда ота-оналар картасидан бирмунча фарқ қилиши аниқланди. Бу ота-оналарни ўз болаларига нисбатан нообъектив берган баҳолари билан боғлиқ деб ҳисобладик.

Ўқитувчиларнинг фикрича 6 ёшли болаларнинг баъзилари бетартиб эканликлари, импульсив ҳаракатларга мойил - ўрнидан туриб синфда юриб атрофдаги бошқа ўқувчиларга ҳалақит берадилар, жойида ўтирган ҳолда гапириб юборадилар, диққати бузилганлиги сабабли ўқитувчига қайта-қайта саол берганлар. Дарснинг охирига бориб тез толиқиш кузатилиб, берилган топшириқларни бажаришдан бош тортганлар. Баъзи болалар паст баҳо олганларида йиғлаб тўпалон қилганлар. Дезадаптация ҳолатидаги болаларнинг кўпчилигида ички кўрқув ҳолати бўлиб, у болани ўзига ишончини пасайишига сабаб бўлган. Баъзи болалар мактабга дарсга тайёрланмасдан келганлар.

7 ёшли болада нима учун дезадаптация кузатилаётганини аниқлаш учун уларнинг тиббий картаси текширилганда 3 нафарининг перинатал даври асоратли кечганлиги аниқланди.

Тадқиқотчиларнинг мактабга тайёр бўлмаган болалар ўқишни бошлаганда янги шароитга мослашуви қийин бўлса ҳам, дарсларда тез чарчаб қолсалар-да, уларга тегишли шарт-шароитлар яратилганда яхши ўқишлари мумкин деб ҳисоблайдилар [11].

Яққол дезадаптация диққатнинг бузилиши, хотиранинг пасайиши, бош оғриши, эмоционал лабиллик, тури баҳоналар билан мактабга бормаслик, уйқунинг бузилиши, ихтиёрсиз ҳаракатларнинг пайдо бўлиши, импульсив ҳаракатлар кўринишида бўлган. Бундай болаларга психолог маслаҳати ва кун тартибини меъёрлаштириш тавсия этилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Нейропсихологик тестлар ёрдамида болаларнинг асаб-рухий ҳолатини ўрганиш асосида уларни мактабга тайёрлигини аниқлаш натижалари 5,5-6 ёшли болаларнинг 7,9%и, 6-6,5 ёшли болаларнинг 43,54%и мактабга тайёрлигини кўрсатди.
2. 6 ва 7 ёшли болаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи 100% ни ташкил қилган, сифат кўрсаткичи мос равишда 76,7% ва 85% ни ташкил қилган. 6 ёшли болалар ичида аълочилар - 26,7%, тўрт баҳога ўқувчилар 50%ни, уч баҳога ўқувчилар 23,3%ни ташкил этган. 7 ёшли болаларда бу кўрсаткич мос равишда 40%, 45% ва 15%ни ташкил қилган.
3. 6 ва 7 ёшли болалар умумий саломатлигига таъсир жисмоний саломатлигининг ёмонлашуви (16,7% ва 20%), функционал неврологик ўзгаришлар юзага келиши (46,7% ва 25%) ва вазн қўшишда манфий динамика кўринишида намоён бўлган.
4. Ўқиш давомида 6 ёшли болаларда енгил дезадаптация 36,7% ида, яққол дезадаптация 30% болаларда, 7 ёшли болаларда эса енгил дезадаптация 25% ида кузатилган, яққол дезадаптация 20% болаларда аниқланган.
5. Жисмоний ва асаб-рухий жиҳатдан соғлом бўлган 6 ёшли болалар нейропсихологик текширувлардан етарлича баллар йиққан тақдирда мактабда ўқишга лойиқ деб топилиши мумкин.

АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Болаларни мактабга тайёрлигини аниқлаш ва мактаб дезадаптацияси олдини олиш мақсадида нафақат 6 ёшли, балки 7 ёшли болаларни ҳам нейрпсихологик тестлар ёрдамида текширувдан ўтказиш керак.
2. Мактаб талабларига адаптациянинг асоратланишини салбий натижаси - бу мактабга негатив муносабатларнинг шаклланиши бўлиб, уни ўз вақтида эрта аниқлаш мақсадида ота-она ва педагог биргаликда дезадаптация картасини даврий равишда тўлдиришлари керак.
3. Организмнинг жисмоний ва руҳий функцияларини шаклланишига салбий таъсирни чеклаш мақсадида 6 ва 7 ёшли болаларнинг кун тартибини тўғри ташкил қилиш даркор.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т. “Маънавият” нашриёти, 2008. -80б.
2. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг Ўзбекистон модели. / Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 26.11.2011да симпозиумлар саройида сўзлаган нутқи.

II. Асосий адабиётлар

3. Ахутина Т.В., Игнатъева С.Ю., Максименко М.Ю., Полонская Н.Н., Пылаева Н.М., Яблокова Л.В. Методы нейропсихологичеекого обследования детей 6-8 лет // Вестн. Моск. Ун-та.; Серия 14, Психология. - 1996. - №2. - С. 51-58.
4. Безруких М.М., Фарбер Д.А. Возрастная физиология: Физиология развития ребенка. — М.: Академия, 2003.
5. Безруких М. М. Здоровьесберегающая школа. — М., 2004.
6. Воротилкина И.М. Оздоровительные мероприятия в учебном процессе // Начальная школа. — 2005. — № 4. — С. 72—75.
7. Вьюнова Н.И., ГайдарК.М. и др. Психологическая готовность ребенка к обучению в школе. — М.: Академия, 2003.
8. Григорьева Л.П. Развитие восприятия у ребенка / Л.П. Григорьева, М.Э. Вернадская, И.В. Блинникова, О.Г. Солнцева. М.: Школа-Пресс, 2001. - 96с.
9. Каминская Н. Н. Психофизиология детей 6—7 лет и создание адаптивной образовательной среды: Методическое пособие для учителей начальных классов, педагогов-психологов образовательных учреждений, родителей /

Под ред. Т. А. Крыловой. — Вологда: Издательский центр ВИРО, 2005.
— 108 с.

10. Сиротюк А.Л. Коррекция обучения и развития школьников. — М.: Сфера, 2002.

III. Қўшимча адабиётлар

11. Безруких М. М., Ефимова С. П. Как помочь ребенку с ослабленным здоровьем преодолеть школьные трудности. — М.: Новая школа, 1994.

12. Безруких М. М., Ефимова С. П. Ребенок идет в школу. — М., 1998.

13. Безруких М. М. Леворукий ребенок в школе и дома. — Екатеринбург, 2001.

14. Безруких М.М., Терехова Н.Н. Зрительное восприятие как интегративная характеристика познавательного развития детей 5-7 лет // Новые исследования. -2008. - № 1.-С. 13-26.

15. Бетелева Т.Г. Системная организация процесса восприятия // Развитие мозга и формирование познавательной деятельности ребенка / Под ред. Д.А. Фарбер, М.М. Безруких. - М: Изд-во Московского психолого-социального института.- 2009 . - С . 119-160.

16. Выголова О.В., Каминская Н.Н., Упадышева В.Д. Учет анатомо-физиологических особенностей развития детей шестилетнего возраста в учебном процессе: Методические рекомендации. — Вологда, 1990.

17. Дубровинская Н.В. Развитие речи и организация вербальной деятельности // Развитие мозга и формирование познавательной деятельности ребенка / Под ред. Д.А. Фарбер, М.М. Безруких. - М: Изд-во Московского психолого-социального института. - 2009. - С.327-370.

18. Жуйков Е. Бесценный дар — зрение // Здоровье детей. — 2005. — № 8. — С. 25—26.

19. Здоровоохранение в России, - 2009. - Изд-во Росстат, 2009. - 368 с.

20. Ильин Е.П. Дифференциальная психофизиология. — СПб.: Питер, 2003.
21. Каменская В.Г. Детская психология с элементами психофизиологии. — М., 2005.
22. Коррекционная педагогика в начальном образовании./Под ред. Г. Ф.Кумариной. — М.: Академия, 2003.
23. Крупская Е.В., Мачинская Р.И. Возрастные изменения параметров распознавания иерархических стимулов в условиях направленного внимания у детей от 5 до 10 лет // ЖВНД. - 2010. - Т. 60, № 6. - С. 679-690.
24. Лазарев М.Л. Здравствуй: Программа формирования здоровья детей дошкольного возраста. — М.: Академия здоровья, 1997.
25. Лурия А.Р. Язык и сознание / Под редакцией Е.Д. Хомской. - М.: Изд-во МГУ, -2010г.
26. Мотова Е.К., Моница Г. Б. Тренинг эффективного взаимодействия с детьми. — СПб.: Речь, 2002.
27. Мухина В. С. Возрастная психология: Феноменология развития. Детство, отрочество. — М.: Академия, 1998.
28. Манелис П.Г. Развитие оптико-пространственных функций в онтогенезе //Школа здоровья. - 1997. - №3. - С. 25-36.
29. Мачинская Р.И. Нейрофизиологические механизмы произвольного внимания (аналитический обзор) // ЖВНД. - 2003. - Т.53, №2. - С. 133-150.
30. Мачинская Р.И. Функциональное созревание мозга и формирование нейрофизиологических механизмов избирательного произвольного внимания у детей младшего школьного возраста // Физиология человека. - 2006. - Т.32, №1. -С. 26-36.
31. Мачинская Р.И., Лукашевич И.П., Фишман М.Н. Динамика электрической активности мозга у детей 5-8-летнего возраста в норме

и при трудностях обучения // Физиология человека. - 1997. - Т.23, №5. - С.5-11.

- 32.Мачинская Р.И., Семенова О.А. Особенности формирования высших психических функций у младших школьников с различной степенью зрелости регуляторных систем мозга // Журнал эволюционной биохимии и физиологии. - 2004. - Т.40, №5. - С.427-435.
- 33.Пылаева Н.М., Ахутина Т.В. Коррекция зрительно-вербальных функций у детей 6—7 лет // Школа здоровья. — Т. 6. — 1999. — № 2.
- 34.Рузина М.С. Два пилота вертолета приготовились к полету //Школьный психолог. — 2003. — № 3. —С. 16.
- 35.Рузина М.С., Азовцева Н. В. Пальчиковый игротренинг в начальной школе // Начальная школа. — 1999. — № 8. — С. 11—15.
- 36.Руководство по социальной педиатрии. / Составители В.Г. Дьяченко, М.Ф. Рзынкина, Л.В. Солохина. Изд-во ДВГМУ. 2010.
- 37.Смирнов Н. Учебный процесс требует гигиены // Здоровье детей. — 2005. — № 8, 9.
- 38.Семенова О.А., Кошельков Д.А. Особенности произвольной регуляции деятельности у детей 5-6 лет с признаками дефицита внимания и гиперактивности // Альманах «Новые исследования». - 2008. - Т. 17, №4. - С. 21-38.
- 39.Семенова О.А., Кошельков Д.А., Мачинская Р.И. Возрастные изменения произвольной регуляции деятельности в старшем дошкольном и младшем школьном возрасте // Культурно-историческая психология. - 2007. - №4. - С. 39-49.
- 40.Семенова О.А., Мачинская Р.И. Особенности регуляторных и информационных компонентов познавательной деятельности у детей 7-10 лет с локальными отклонениями на ЭЭГ правого полушария // ЖВНД. - 2011. - Т.61, №4. - С.582-594.

41. Семенова О.А., Мачинская Р.И. Развитие произвольной регуляции деятельности у детей младшего школьного возраста // Вопросы практической педиатрии. - 2007. - Т.2, №6. - С. 17-23.
42. Семенова О.А., Мачинская Р.И., Крупская Е.В., Ахутина Т.В. Мозговые механизмы произвольной регуляции деятельности и формирование навыка письма у детей 7-8 лет // Физиология человека. - 2001. - Т.27, № 4. - С. 23-30.
43. Сугрובה Г.А., Семенова О.А., Мачинская Р.И. Особенности регуляторных и информационных компонентов познавательной деятельности у детей 7-8 лет с признаками СДВГ // Экология человека. - 2010. - №11. - С. 19-27.
44. Фарбер Д.А., Мачинская Р.И. Функциональная организация мозга в онтогенезе и ее отражение в электроэнцефалограмме покоя // Развитие мозга и формирование познавательной деятельности ребенка / Под ред. Д.Л. Фарбер, Безруких М.М.. - М: Изд-во Московского психолого-социального института. -2009.-С. 76-118.
45. Цехмистренко Т.А., Васильева В.А., Шумейко Н.С., Черных И.А. Структурные преобразования коры большого мозга и мозжечка человека в постнатальном онтогенезе // Развитие мозга и формирование познавательной деятельности ребенка / Под ред. Д.А. Фарбер, М.М. Безруких. - М: Изд-во Московского психолого-социального института. - 2009. - С. 9-75.
46. Эксакусто Т.В., Истратова О. Н. Справочник психолога начальной школы. — Ростов-на-Дону: Феникс.
47. Akshoomoff N.A. Perceptual Organization and Visual Immediate Memory in Children with Specific Language Impairment / N.A. Akshoomoff // J Int Neuropsychol Soc. 2006. - V. 12(4). - P. 465-474.
48. Alloway T.P. Working memory, literacy and numeracy in children with developmental coordination disorder / T.P. Alloway // Journal of Experimental Child Psychology. 2007. - V. 96. - P. 20-36.

49. Alloway T.P. Verbal and Visuospatial Short-Term and Working Memory in Children: Are They Separable? / T.P. Alloway, S.J. Pickering, S.E. Gathercole // *Child Development*. 2006. - V. 77, № 6, - P.1 698 - 1716
50. Barnea-Goraly N. White matter development during childhood and adolescences: a cross-sectional diffusion tensor imaging study / N. Barnea-Goraly // *Menon Cerebral cortex*. 2002. V. 15. - P. 1848-1854.
51. Chabot R.J. The role of quantitative electroencephalography in child and adolescent psychiatric disorders / R.J. Chabot; F. di Michele ; L. Prichep // *Child Adolesc Psychiatr Clin N Am*. 2005. - V. 14(1) - P.21-53.
52. Chorlian D.B. Heritability of EEG coherence in a large sib-pair population / D.B. Chorlian ; Y. Tang ; M. Rangaswamy ; S. O'Connor ; J. Rohrbaugh ; R. Taylor ; B. Porjesz // *Biol Psychol*. 2007. - V. 75 (3). - P.260-266.
53. Clarke, A. R. Age and sex effects in the EEG: Development of the normal child / A. R. Clarke , R. J. Barry, R. McCarthy, M. Selikowitz // *Clinical Neurophysiology*. -2001. -V. 112. P. 806-814.
54. Davidson R.J. Seven sins in the study of emotion: correctives from affective neuroscience / R.J. Davidson // *Brain and Cognition*. 2003. V. — 52. - P.129-132.
55. Engle R. W. Working memory capacity as executive attention / R. W. Engle // *Current Directions in Psychological Science*. 2001. - V. 11. - P. 19-23.
56. Feder K.P. Handwriting development, competency, and intervention / K.P. Feder; A. Majnemer // *Developmental Medicine and Child Neurology*. - 2007.- V. 49 (4).- P. 312.
57. Gusnard D.A. Medial-prefrontal cortex; and self-referential mental activity: Relation to a default mode of brain function / Gusnard DA, Akbudak E, Shulman GL, Raichle ME // *Proc Natl Acad Sci USA*. - 2001. V. 98. -P. 4259-4264.
58. Hochstein S. View from the top: hiererchies and reverse hierarchies in the visual system / S. Hochstein, M. Ahissar // *Neuron*. 2002. - V. 36. -P. 791-804.

59. Raichle M.E. A default mode of brain function: A brief history of an evolving idea / M.E. Raichle, A.Z. Snyder // *NeuroImage*. 2007. - V. 37. -P. 1083-1090.
60. Tseng M.H. Perceptual-Motor Function of School-Age Children With Slow Handwriting Speed / M.H. Tseng, S.M.C. Chow // *The American Journal of Occupational Therapy*. 2000. - V. 54, № 1. - P. 83-88.
61. Varela F. The brainweb: phase synchronization and large-scale integration / F. Varela, J-P. Lachaux, E. Rodriguez, J. Martinerie // *Nat. Rev. Neurosci.* 2001.- V.2. - P. 229.
62. Yonger B. Understanding Category Members as "the same Sort of Thing": Explicit categorization in ten-month infant / B. Yonger // *Child Dev.* — 1993.- V. 64. № 1.- P. 309.
63. Zhao W., Fang J.M. The focus and development of research on reading disabilities as cognitive processing deficit / W. Zhao, J.M. Fang // *J. Special Educ. (Chin)*. 2004. - V. 4. -P. 43-48.